

Энг асосийси, ислохотларимиз натижасини юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўз кундалик ҳаётида ҳис этиши керак.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O'zingni angla!



Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil
19-fevral
chorshanba
№ 7 (1434)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ @ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ f Hurriyat gazetasi

ЭЪТИРОФ


Кувайт ОАВ:

Ўзбекистон Кўрфаз араб давлатлари билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқмоқда

Давлатимиз раҳбарининг Кувайтга расмий ташрифи доирасида ушбу мамлакатнинг етакчи босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг замонавий ривожланиши, савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки томонлама муносабатларига бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.

Explore the jewel of Central Asia through Uzbekistan's stunning cities

Uzbekistan, a family-friendly travel destination rich in tourist attractions and unique archaeological sites, is also one of the most affordable countries globally for active tickets and accommodation.



In Uzbekistan, the present blends with the past, where the fragrance of history meets the authenticity of modernity. The country features a wonderful collection of charming tourist villages that attract visitors from all over the world.



Масалан “Q8 Press” электрон нашрида “Ўзбекистон ва Кувайт: ўзаро манфаатли ҳамкорлик сари” сарлавҳали мақола эълон қилинди.

“Сўнги йилларда Ўзбекистон янгилашган ташқи сиёсий концепцияси доирасида мамлакат анъанавий шериклари билан ташқи алоқаларни мустақамлаш ва халқаро ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш бир қаторда ўз ҳамкорлари жўрофиясини кенгайтириш йўлидан бормоқда, — дейилган мақола муқаддимасида. — Мазкур тенденция, айниқса, Ўзбекистоннинг Кўрфаз араб давлатлари билан алоқаларни янги босқичга олиб чиққанида яққол акс этади”.

Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу мин-

тақа давлатлари билан муносабатлар ҳам кўп томонлама, ҳам икки томонлама форматларда ривожланмоқда. Бу “Марказий Осиё — Кўрфаз араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши” стратегик мулоқотининг ташкил этилиши ва ушбу форматдаги ҳамкорлик бўйича биринчи олий даражадаги саммитнинг 2023 йилда муваффақиятли ўтказилишида акс этади.

Расмий Тошкент минтақа давлатлари билан алоқаларни икки томонлама ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бунда Кувайт давлати устувор йўналиш ҳисобланади.

“Жумладан, сўнги пайтларда Ўзбекистон Кувайт билан сиёсий мулоқотни кучайтирди. 2024 йилнинг апрель ойида

Кувайт ташқи ишлар вазир Абулфалл ал-Ҳаф Ҳаф Ўзбекистон Президенти томонидан қабул қилинди. Биргина 2024 йилнинг ўзидаёқ икки давлат ТИВ раҳбарлари ўртасида 5 марта музокаралар ташкил этилди”, — дейилган нашрда.

Қайд этилганидек, мулоқот иқтисодий идоралар ва ишбилармон доиралари ўртасида ҳам кучайтирилди. Ўтган йилда 100 дан ортиқ Ўзбекистон тадбиркорларининг Ал-Кувайт шаҳрига ташрифи амалга оширилди. Таъкидлаш жоизки, муносабатлар динамикасининг бундай тарзда фаоллашуви бежиз эмас. Кувайт Ўзбекистон учун ҳар томонлама манфаатли шерик ҳисобланади.

2-6

БҲЖҲР
ТОЖ

ёки шоира Гуландом
ТОҒАЕВАНИНГ

“Ишқ хандасаси” китоби
тақдимотидан кейинги ўйлар



7-6

ҲАЙНАНГА БОРИНГ, ҲАЙРОН ҚОЛАСИЗ



Ҳайнан — Жануби-Шарқий Хитой денгизининг ўртасидаги, тоғлар, тепаликлар, ўрмон ва чангалзорлардан иборат қиш бўлмайдиган, ям-яшил, баҳаво, қирғоқлари олтин кумли мафтункор орол экан. Аэропортдан меҳмонхонагача ўттиз қақирим йўл босдик. Кўчадаги лотинча, ивритча, кириллча ҳарфга кўзим тушмади, деярли хитой ёзуви — иероглифда ёзилган.

5-6

ХОТИРА

БОҚИЙЛИК САОДАТИ

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги муассислигидаги “Самарқанд” газетасида муҳаррир бўлиб ишлаётган пайтимда, 2008 йилнинг ўрталарида бир журнал бош муҳаррири тахририятга келиб қолди. Газетада чоп қилинган ҳажвия, памфлетларимни ўқиган экан, шунга мени излаб келибди. “Сизни журналга бош муҳаррир ўринбосари қилиб оламан, юринг Тошкентга”, деди. Мен ҳам гапига лаққа ишониб, ишдан бўшадим. Икки ой ишлагач, тўсатдан, ҳе йўқ, бе йўқ, бош муҳаррир кабинетига чақириб: “Ака, ишдан бўшанг, йўқ десангиз, қисқартиришга ташлаб, бўшаттирвораман”, деб қолди. Нимага бундай қилди, суриштириб ўтирмадим. 2 ой муҳлат сўрадим, кейин ариза ёзиб ишдан бўшадим.

Ўғлим хорижда ишлаб келиб, енгил машина олиб берганди. Шу билан бир муддат киракашлик қилдим. Бир куни мижозни “Матбуот уйи” ёнидаги “Пойтахт савдо”га олиб боришга тўғри келиб қолди. Аниқ эсимда, 2014 йилнинг 19 декабрь куни эди. Мижозни машинадан туширгач, Сафар Остонов билан бир саломлашиб кетиш учун “Ўзбекистон овози” газетаси тахририятига кирдим. Ҳар қалай, бегона эмас, мени илиқ қарши олди Сафар ака.

— Қаерларда, нима қилиб юрибсан? — деб сўради.

— Бир журналда нашр учун масъул эдим, ҳозир киракашлик қилаялман, — деб очигини айтиб қўя қолдим.

— Бундай юрма, кўрганлар нима дейди? Тахририят иқтисодиёт бўлими мудирлиги ўрни бўш, шунга нима дейсан?

— Йўқ, бу бўлиمنى тортолмайман...

— Бўлмаса, маънавият-маърифат бўлими мудирлигига ўтасан, аризангни ёз!



4-6

ҒУРУР



Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ЖАДИДЛАР ЖАСОРАТИ



Қалб қатида кўз кўргингиз келса агар, Иймон, инсоф ҳам илмни қудрат тутинг. Миллат қадри қонингизда бўлса магар, Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Жадидларнинг жон толаси миллат, деган, Жадидларнинг дил ноласи миллат, деган, Жадидларнинг ҳар боласи миллат, деган, Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Ҳар дарёнинг поёнида уммон бўлмас, Ватан дебон жонин тикиш осон бўлмас, Балки шоир, аммо ҳеч вақт Ўллон бўлмас, Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Кўзингизнинг кўзгусида Ватан борми, Дилингизнинг туйгусида Ватан борми? Умрингизнинг уйқусида Ватан борми — Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Мунавварнинг мунаввардир ҳикматлари, Асрларга чирик ёқар Ибратлари, Ҳамза, Сидқий, Авлоний ҳам Фитратлари, Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Кодирийга таҳсинларим сизга сўзга, Бехбудийдан мерос қолган маъни ўзга, Элбек бўлиб яшамоқнинг шаъни ўзга, Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Хаёт бизга ҳалолликни ўргатарми, Билмагaysiz гул тутарми, кул тутарми?! Ҳар оқил ҳам жадидлардек йўл тутарми — Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Осмон билан ер ораси қанча эрур — Жадидларнинг армони ҳам шунча эрур! Эрки учун жон тўлаган хунча эрур... Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Корни учун кул бўлгани суймаганлар, Ёт қўлларда гул бўлгани суймаганлар, Ҳар жонининг жабри учун қуймаганлар, Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Тилнинг бонги қулоқ учун қуйма сўздир, Дилининг бонги юрак учун ўйма-сўздир. Эл-юрт учун мангу ёниб қолган издир, Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Тун жилмаяр ўзи тутган наҳор билан, Фасллар ҳам юз очгайдир баҳор билан... Халқ хурлигин кутган улар ҳумор билан, Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Мудрок диллар жадид бўлиб уйғонсинлар, Миллат деса, жон, қонида тўлгонсинлар, Гар қувонса, уйғонгандан қувонсинлар, Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Нияти хуш, кўнгли обод жадидлардир, Зикри озо, фикри озо жадидлардир, Яшилари этсангиз ёд, жадидлардир, Жадидларнинг жасоратин ибрат тутинг.

Кувайт ОАВ:

Ўзбекистон Кўрфаз араб давлатлари билан алоқаларни янги босқичга олиб чиқмоқда

1-6 “Этибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги омил бу мамлакатларнинг иқтисодий аҳамиятидир. Ўзбекистон

Марказий Осиё минтақасининг иккинчи йирик иқтисоди саналади. Сўнги йилларда республика иқтисоди юқори ўсish динамикасини намойён этмоқда. Жумладан, охириги 7 йил ичида расмий Тошкент мамлакат ялли ички маҳсулотини 2 бараварга оширишга муваффақ бўлди”, — дея таъкидланган материалда. Кувайт эса глобал ва Яқин Шарқ минтақаси иқтисодиёти учун салмоқли аҳамиятга эга бўлган давлат саналади. Шунингдек, мамлакат дунёдаги нефть экспорт қилувчи йирик 10 та давлатдан бири ҳисобланади.

Мақола “Ўзбекистон ва Кувайтнинг иқтисодий ҳамда сиёсий соҳалардаги ҳамкорлиги икки давлатнинг кейинги изчил тараққиётини таъминлашда муҳим қадам бўлади. Шунингдек, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг изчиллашуви минтақаларо ҳамкорлиқни кучайтириш учун яна бир кучли туртки беради”, — деган сўзлар билан яқунланади.

Шунингдек, мазкур давлатда инглиз тилида босилладиган “The Times” ҳафталик газетасида икки давлат ўртасидаги муносабатларга бағишланган туркум мақолалар чоп этилди.

Жумладан, мамлакатимиз элчиси Аюбхон Юнусов қаламига мансуб “Кувайт Ўзбекистоннинг ишончли дўсти ва ҳамкори” сарлавҳали мақолада ёзилганидек, Кувайт Ўзбекистоннинг Яқин Шарқдаги ишончли дўсти ва ҳамкори бўлиб, 1991 йил 30 декабрда республика мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган.

“Ушбу йилдан эътиборан, икки давлат ўртасида иқтисодий ривожланиш ҳамда икки халқнинг фаровонлиги учун умумий интилиш асосида дўстона муносабатлар ўрнатиш даври бошланди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий базаси сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида, Маданият ва санъат соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида, Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш тўғрисида, икки давлат боғжона қўмиталари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматлараро битимларни ўз ичига олади”, — дейилган материалда.

Бундан ташқари, “The Times” газетаси мамла-



катимиз маданият вазири Озодбек Назарбековнинг икки давлат ўртасидаги маданий мулоқотни ривожлантиришга бағишланган мақоласини муштарийлар эътиборига тақдим қилди.

“Ўзбекистон ва Кувайт халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида маданий тадбирлар, кўрағазмалар, фестиваллар ва илмий анжуманлар ташкил этилмоқда. Маданият соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида икки мамлакатнинг тегишли маданият ташкилотлари ўртасида доимий мулоқот ва тажриба алмашиш йўлга қўйилган. Қўшма маданий тадбирлар ташкил этиш, санъат ва маданият намояндаларининг ташрифига қўмаклашиш тобора кучайиб бормоқда. Кувайт билан маданий ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва динамикасини ўрнатиш эканми, кўп-лаб ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларни кузатиш мумкин. Жумладан, 2017 йилнинг 15-22 декабрь кунлари Ал-Кувайт шаҳрида Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Унинг доирасида “Ал-Аввония” галереясида Ўзбекистонга бағишланган кўрағазма ва концерт дастурлари намойиш этилди”, — деб ёзган муаллиф.

Мазкур босма нашрда жойлаштирилган юртимиз ҳақидаги навбатдаги мақолада Ўзбекистонда “ақлли” шаҳарларни режалаштириш ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақидаги маълумотлар қаламга олинган. “Кувайтнинг етакчи ишлаб чиқарувчиларини жалб этган ҳолда Ўзбекистонда замонавий илмий-техник мажмуалар, бизнес-ин-

кубаторлар ва стартап акселераторларни ҳамкорликда ташкил этиш бўйича кенга қўламли лойиҳаларни амалга ошириш инновацион ғоялар, ихтиролар ва технологияларни ривожлантириш ва тижоратлаштиришда муҳим аҳамият касб этади”, — дея қайд этилган нашрда.

Кувайтнинг “Ал-Жарида” ҳафталик газетасида эса “Ўзбекистон ва Кувайт ҳамкорлиги: янги босқич сари дадил қадамлар” сарлавҳали мақола босилди. Унда Ўзбекистон элчихонасида мамлакатимизнинг инвестициявий, экспорт ва сайёҳлик салоҳиятига бағишлаб ўтказилган тақдимот тадбири тафсилотлари қаламга олинган. Нашрда сўнгги йилларда Ўзбекистон Президенти раҳнамолигида Янги Ўзбекистон дунё ҳамжамияти билан турли соҳаларда, жумладан, маданият, иқтисодиёт ва туризм каби йўналишларда яқин ҳамкорлик алоқаларини мустақамлаб бораётгани алоҳида урғуланган.

“Ал-Анба” газетаси эса “Ҳабибулла Солиҳ, Ўзбекистоннинг кўп қиррали хаттоти” сарлавҳали мақолани эълон қилди. “Ўзбекистонда хаттотлик устаси сифатида ном қозongan Ҳабибуллох Солиҳ ушбу санъатни Қуръони каримни нусхалашда қўлланиладиган “Насх” хати, фармонлар ва расмий ҳужжатларни ёзишда қўлланиладиган “Тавқи” ва “Руқъа” каби турли хил хаттотлик услубларини мукамал эгаллаган, — деб ёзилган нашрда. — У хаттотлик санъатини устозлари Исмоил Махдум ва Абдулғафур Раззоқов Ал-Бухорийдан ўрганган. Унинг бобоси домла Солиҳ Каримов Бухоро Амирлигининг машҳур хаттотларидан бўлган”.

Мақолада, шунингдек, Ҳабибулла Солиҳ кўп-лаб халқро кўрик-танловларда иштирок этгани хабар қилинган.

“У 1996 йилда Истанбулда ўтказилган халқаро хаттотлик танловида энг кучли ўн та хаттот сафида эътироф этилди. 1999 йили Лаҳорда ўтказилган Иккинчи халқаро хаттотлик фестивалида иккинчи ўринни эгаллади. Машҳур хаттот 2002 йилда “Парвин қалами” мукофотида сазовор бўлган. Шунингдек, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан тақдирланган”, — дея маълум қилган Кувайт босма нашри.

“Дунё” АА,
Ал-Кувайт шаҳри.

БУГУНГИ ЁШЛАР



ЮТУҚЛАР КУРАШЛАРДА НАМОЁН БЎЛАДИ

Урганч давлат университети талабаларига омад қилиб бoқмоқда. “Бу биринчиси эмас, нaсиб бўлса, oхиргиси ҳам бўлмайди!” Университет иқтидорли ёшларининг қалб шиори бу!

Олий таълим даргоҳи талабалари орасидаги муваффақият балки юзичини марта қoлибқидан дарак бeрaётгандир... Қeрдаки спорт соҳасида мусoбақa бошланса, иқтидорли ёшларнинг ютуқларидан бутун бошли университет ахли ҳаяжонга тушади. Ахир иқтидорли ўғил-қизлар ҳазилакам эмас — нақ 2 та олтин, 2 та кумуш, 4 та бронза медалига эга бўлишди.

Жорий йилнинг 11-13 февраль кунлари Қарши шаҳрида олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Универсиада-2024” спорт мусoбақасининг кураш тури бўйича республика финал бoсқичи бўлиб ўтди.

Мазкур мусoбақада Абу Райхон Бeруний номидаги Урганч давлат университети жамоаси 7 та вазн тоифасида фаол иштирок этиб, бир қатор медалларга сазовор бўлишди.

— Республикаимиз микёсида қўлга киритилган ғалабалар кўп минг сонли университетимиз жамоасининг қалбини катта қувончга, ғурур ва ифтихорга тўлдирди, — деди филология фанлари доктори Дилшод Ғойибов. — Талабаларимиз эришган натижалардан шу нарсa аён бўладики, ютуқларимиз нафақат таълим

соҳасида, балки спорт йўналишида ҳам республика ва жаҳон микёсида намoён бўлаётгани фахрли натижалардир.

Олий таълим масканининг спорт фаолияти педагогика ва психология факультети 241-дзюдо гуруҳи талабаси Асадбек Бектурдиев 1-ўринни олиб, олтин медалга муносиб топишганлигидан ҳаяжонлиб, университетда спорт билан шугулланиш учун барча етарли шароитлар яратилганлигидан мамнунлигини эътироф қилди.

— Мен ҳам Асадбек билан битта факультетда, аммо кураш гуруҳида таълим олаяман, — деди хурсандликдан чеҳраси табассумга тўлган Мавлуда Абдуллаева. — Биз мамлакатимизнинг энг бахтиёр ёшлариданмиз. Президентимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан мамнун бўлганим ҳолда шунини таъкидламоқчиманки, ўқиш ва ўрганиш инсоннинг бир умрлик ҳамроҳи бўлмоғи даркор. Ютуқларимда, аввало, устозларимнинг меҳнати борлигидан бахтлиман. Менга берилган олтин медаль — аввало, устозларимники, қолаверса, университет жамоасиникидир!

Яна университет ёшларидан Асадбек Шихназаров, Мохинур Аллаберганова 2-ўрин соҳиблари — кумуш, Динара Эгамбергaнова, Лайло Йўлдошевaлар 3-ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритишга муяссар бўлишди.

Феруза ТАҒРИБЕРГАНОВА

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

УЧ ВИЛОЯТ ЖУРНАЛИСТЛАРИ НАВОЙИДА МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси, Навоий вилоят ҳокимлиги ҳамда Уюшманинг вилоят бўлими ҳамкорлигида Навоий шаҳридаги “Ёшлар маркази”да Навоий, Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган журналистлар, шунингдек, блогерлар иштирокида “Сунъий интеллект ахборот хавфсизлигига қандай таъсир ўтказди? Янги имкониятлар ва қаҳриқлар” мавзусида минтақавий семинар ўтказилди.



Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов сўз олиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 14 октябрдаги тегишли қарори билан тасдиқланган “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси”да белгилаб берилган вазифалар, медиа соҳада сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш, сунъий интеллектнинг ахборот хавфсизлигига таъсири ва аynи кунда бу борада соҳа вакиллари олдида турган долзарб масалалар хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Шундан сўнг “Янги медиа таълим маркази” директори, филология фанлари доктори Беруний Алимов минтақавий семинар мавзуси бўйича маъруза қилди. Тажрибали журналист сунъий интеллект ахборот хавфсизлигига қандай таъсир ўтказишини замонавий кўрағазмалар воситалар орқали тушунтириб берди.

Семинарда Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Самарқанд ва Бухоро вилоятлари бўлимлари раислари А.Ҳайдаров, Ш. Очиллов, Самарқанд вилоят ҳокимлиги муассислигидаги “Зарафшон” газетаси бош муҳаррири ўринбосари Ғолиб Ҳасанов, “Халқ сўзи” газетасининг Навоий вилоят бўлими мухбири Темур Ёшбоев, Навоий вилоят телерадиокомпанияси мухбири Зебо Жиянова мавзу бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини билдирди.

Эркин мулоқот, савол-жавоб тарзида ўтган семинар якунида Уюшма томонидан доимий равишда медиа соҳа учун долзарб мавзуларда минтақавий семинарлар ўтказиб боришга келишиб олинди.

ИЖОДКОР ЎЗИ ТАЪЛИМ ОЛГАН МАКТАБГА БОРДИ

Ижодкорнинг йиллар ўтиб, ўзи таълим олган мактабга бориши уни болалиқнинг беғубор дунёсига қайтариш билан бирга, устозларнинг мазмунли суҳбатидан баҳраманд бўлиш, мактабдаги бугунги таълим-тарбия жараёни билан батафсил танишиш имконини бериши жиҳатида диққатга сазовордир.



Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов, Уюшманинг Навоий вилоят бўлими раиси Отабек Аслонов, Навоий вилоят ҳокимлигининг “Дўстлик байроғи” ва “Знамя дружбы” газеталари таҳририяти бош муҳаррири Бобожан Умаров ҳамда бир гуруҳ ОАВ вакиллари Хатирчи туманидаги 27-мактабда буюк шоир ва мутафаккир боболаримиз Алишер Навоий ҳамда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуд муносабати ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда иштирок этди.

Тадбирда дастлаб 27-мактаб ўқувчилари томонидан бадиий дастур, Навоий ва Бобур асарлари асосида тайёрланган саҳна кўринишлари намойиш этилди, ғазаллардан намуналар ўқилди.

Учрашувда сўз олган Уюшма раиси в.б. Х.Салимов мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан улуг шоир ва алломаларимизни ҳурматлаш, ёъозлаш, уларнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, юртимизда китоб мутолааси ва китобхонлиқни кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини таъкидлади. Ўқувчилик йилларини, биринчи ўқитувчиси Турсунтош Хушмуродова, синф раҳбари Ойзода Камолова ва бошқа устозлари ҳақида илиқ хотираларини сўзлади.

— Биз ўқиган даврларда ҳар ой синфимизнинг деворий газетаси чиқариларди, — деди Х.Салимов. — Ҳеч эсимдан чиқмайди, 6-синфда ўқирдим. Синфимиз деворий газетасида мен тайёрлаган кичкинагина хабар эълон қилинди. Хабарнинг пастига “Х.Салимов, 6-синф ўқувчиси” деб ёзиб қўйилган эди. Ҳар танаффусда шу ёзувни келиб кўраддим, руҳланардим. Менда журналистикага қизиқиш ўша даврлардан бошланган, десам тўғри бўлади.

Тадбир иштирокчилари қарийб беш юз нафарга яқин ўқувчи илм олаётган мазкур даргоҳда яратилган шарт-шароитлар, дарс жараёнлари, ижодий тўғараклар фаолияти билан яқиндан танишди. Улар мактаб раҳбарияти ва ўқитувчилар билан таълим тизимидаги ислохотлар натижалари, мактаб ўқувчиларини китоб ўқишга қизиқтириш, тўғараклар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалга

оширилаётган ишлар юзасидан мулоқот қилди.

Маънавий тадбир доирасида Уюшма раиси в.б. Х.Салимов ўзи ўқиган ушбу мактаб кутубхонасига ўқитувчи ва ўқувчиларни бирдек қизиқтирадиган 500 данага яқин китоблар совға қилди.

— Мактабимиз кутубхонаси янги нашрлар билан янада бойиди, бундан хурсандимиз, — деди 27-мактаб директори Эркин Бердиёров. — Эътиборли жиҳати, ушбу китоблар орасида барча ёшдаги ўқувчилар тоифасига мос, шунингдек, ўқитувчилар учун ҳам қизиқарли адабиётлар кўп экан. Тақдим этилган биргина “Китобхон болалар” ва “Дунё даҳолари” туркумида нашр этилган китоблар бошланғич синф ўқувчиларини ўзига оҳанрабодек тортиши аниқ. Таълим муассасамиз кутубхонасига маънавият сарнашмаларидан улашгани учун жамоамиз, қолаверса, ўқувчиларимиз номидан мактабимизнинг собиқ ўқувчиси, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимовга миннатдорлик билдираимиз.

“САҲНАДА ЯШАШ САНЪАТИ” ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Хоразм вилоят бўлими томонидан уюшма аъзоси, тележурналист Қаҳрамон Собуровнинг ўзбек театр санъати фидойиси Ибодулла Ниёзматов ҳаёти ва ижодига бағишланган “Саҳнада яшаш санъати” китоби тақдими ўтказилди.



Хоразм вилоят телерадиоканали давлат муассасасида бўлиб ўтган мазкур тадбирда устоз журналистлар, ҳудудий ОАВ вакиллари, китоб қаҳрамони Ибодулла Ниёзматовнинг яқинлари, театрда унга елкадош бўлган ижодкорлар, филолог олимлар иштирок этди.

Қаҳрамон Собуровнинг вилоят театри тарихи, унда ижод қилган инсонлар фаолияти билан боғлиқ изланишлари таҳсинга лойиқ. Бундан икки йил олдин муаллиф “Хоразм театри” китобини отахон театрининг юз йиллигига бағишлаган эди. “Саҳнада яшаш санъати” китобида эса ўттиз йилдан ортиқроқ Хоразм вилоят мусиқали драма театрида режиссёрлик фаолиятини олиб борган забардаст ижодкор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ибодулла Ниёзматовнинг режиссёрлик маҳорати, фидойилиги бугунги ёш авлодга ибрат қилиб кўрсатилади.

Ибодулла Ниёзматов жаҳон драматургияси ва тарихий мавзулар қаторида миллийликка хос саҳна асарларига ҳам мурожаат қилиб, яхши спектакллар яратган. “Олма пишганда келин”, “Жобби жўжакнинг хийласи”, “Ташкилдаги хангомалар” каби саҳна асарлари шулар жумласидан. Қаҳ-

рамон Собуровнинг китобида булар ҳақида батафсил маълумот бериб ўтилган. Шунингдек, унда Ибодулла Ниёзматов мактабда таҳсил олган шогирдларнинг дилномалари ҳам ўрин олгани, ҳаётини мисоллар келтирилгани, тарихий суратлар жойлаштирилгани китобхонани ўзига жалб этади.

Тақдиротда сўзга чиққанлар китоб ҳақида ўзларининг илиқ фикрларини билдириб, муаллифнинг келгуси фаолиятида янада улкан муваффақиятлар тилади.

“ЧИНОЗ ҲАЁТИ” — ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг Тошкент вилоят бўлими масъуллари “Чиноз ҳаёти” газетаси фаолияти билан яқиндан танишиш, ходимлар билан дилдан суҳбатлашиш мақсадида таҳририятда бўлди.



Таъкидлаш жоиз, жорий йилда “Чиноз ҳаёти” газетаси ташкил этилганига 90 йил тўлади. Туман газетасининг тарихи 1935 йилдан бошланган. Ўша йиллари газета лотин алифбосида чиқарилган. Кейинчалик нашр фаолияти бир мuddат тўхтаб қолганди.

1974 йилда туман газетасининг қайта ташкил этилишига тақрибли журналист, иқтидорли ёзувчи Омон Жоркинбоев жонбозлик қилган ва бош муҳаррир бўлган.

Мустақиллик йилларида Чиноз тумани газетасида ҳам катта ижодий ўзгаришлар юз берди. Газета ишига компьютер технологияси, интернет кириб келди. Сиртки саҳифалар рангли чиқа бошлади.

Таҳририят юртимиз ҳаёти билан ҳамнафас, туманнинг кексаю ёш ижодкорлари, газетхонларга ахборот майдони бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун газетани нафақат босма шаклда ўқиймиз, балки ижтимоий тармоқларда ҳам кузатишимиз мумкин.

Таҳририят ижодий жамоаси билан учрашувда Уюшманинг Тошкент вилоят бўлими раиси Раҳматилла Шералиев мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, юртимиздаги яратувчанлик ва янгилиниш жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишда таҳририятнинг муносиб хизматлари борлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, ёш журналистлар билан ўзининг журналистикадаги ҳаёт йўли ва соҳадаги тажрибаларини ўртоқлашди.

Суҳбат якунида Раҳматилла Шералиев газета бош муҳаррири сифатида яқинда иш бошлаган Акмал Файзуллаевнинг фаолиятига муваффақият тилади ва уюшма аъзоларига янги қабул қилинган таҳририят ходими Раъно Холиковага аълолик гувоҳномаси ва кўкрак нишонини топширди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

✓ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ

Раҳматилло акани яқиндан билганимга ўттиз йилча бўлибди. У Фарғонада фермерлик ҳаракатининг биринчи қалдирғочларидан. Икки минг учинчи йилдан буён Тошлоқ туманидаги “Қамолов Раҳматиллоҳ” номли кўп тармоқли насли чорвачилик фермер хўжалигини бошқариб келмоқда.

Ўрта ёшдан ошган кишилар яхши билишади, мустақилликнинг дастлабки йиллари озик-овқат савдоси дўконларининг пештахталари бўм-бўш ҳувуллаб ётарди. Ун, ёғ, шакар каби саккиз турдаги энг зарур истеъмол моллари ҳукумат қарори билан меъёрлаштирилган талонлар орқали сотиларди. Раҳматилло ака ўшанда фермерлик билан бирга Тошлоқ тумани матлубот савдоси жамиятини ҳам бошқарарди. Ўша йиллари озик-овқат тақчиллиги туфайли инсофли ва инсофсиз савдо ходимлари сараланиб қолганди. Эр йигитлар эл бошига машаққат тушганида билинар экан. Ўша йиллари йўқчиликдан қийналиб ётган одамларнинг ризқига кўз олайтириб, меъёрлаштирилган молларнинг нархи устига қўшимча нарх қўйиб, “пештахта остидан” сотган ноинсоф савдо ходимларининг “дони донга, пучи пучга” ажралди. Ўшандай оғир кунларда Раҳматилло Қамоловга ўхшаган инсонгарлар эса ўзлиги билан йўқотмади. Ўзоқ юртлардаги ҳамкорлари орқали юртимизга сифатли ва арзон озик-овқат маҳсулотларини улғуржи келтириб, эл-юрт дуосини олди. Аслини олганда, бугунги тўқинчилик ҳамиртуруши Раҳматилло акага ўхшаган баракотли тадбиркорлар қўлида қорилган, десак, бўлаверади.

Шу боисдан бўлса керак, у йигирма йилдики, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Фарғона вилояти кенгашига етакчилик қилиб келаётир. Ўн йилдан буён халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати.

Раҳматилло ака ҳеч қачон бирор муаммоси бўлса ҳам айримларга ўхшаб овоза қилишга одатланмаган. Аллоҳга тавakkал қилиб юрадиган инсон. Қачон қараманг, атрофида муаммоларига ечим қидириб келганларни учратасиз. Гап-сўзларидан, савоб тўла тадбирларидан шуни англаганманки, китобий қилиб ёзар бўлсам, яхшилик қи-

“ҲАЁТ ЙЎЛИМИЗНИ
ЯХШИЛИК
ЁРИТАДИ”

— дейди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши раиси, таниқли тадбиркор Раҳматилло ҚАМОЛОВ

лишни олий саодат деб билгувчи инфоқ-эхсон эгаси.

— Чорвачиликка меҳр қўйгансиз, бу ҳислат сизга қимдан ўтган? — деб сўрадим ундан.

— Менинг қалбимга мол-қўйларга меҳрни, қўлимга баракани Аллоҳ берган деб шукур қилиб юраман, — деди Раҳматилло ҳожи. — Ўн ёшимда шаҳарда каталакдай ҳовлида яшардик. Ҳовлимизга ўзимиз зўрға сиғардик. Бир парча жойнинг атрофини тўсиб, тўртта кўзини боқиб, семиртириб сотардим. Дарсда ўтириб: “Оч қолишмадимикан?” деб қўйларимни ўйлардим. Тезроқ ўқиш тугаса-ю, уйга бориб уларга қарасам дердим. Мен боққан қўйлар бошқаларникидан бошқача семириб кетарди. Топганларимни оиламизнинг тирикчилиги харажатларига сарфлардик. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик. Чиройли турмушим меҳнатим орқасидан. Ҳозир ҳам қуш тинса тинади, бизнинг зурриётларимиз тинмайди. Қўли меҳнатда, ақли зиёси ҳаракатда.

Ҳожи аканинг сўхбатини тинглаб ўтириб, Наманган шаҳар ҳокими Анвар Отаҳўжаевнинг айтганлари ёдимга тушди. У қўй боқиш илми ҳадисини олган бобоси ҳақидаги хотираларини гапириб берганди.

“Қўй ҳар маърағанида Яратган парвардигоримиздан эгасига тўққизта, ўзига битта барака сўрайди, деган ҳикмат бор”, деб айтган экан боболари. Ҳақиқатан, қўйга меҳр қўй-

ганлар қандайин барака топаётганини Раҳматилло ака мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз. Бир шاپалоқ ерда ҳам қўй боқишни удалаган “уқувчи бола”нинг бугун 880 бош насли қорамоллари бор. Ҳар бири кунга 20-25 литрдан сут берадиган зотдор сигирлари, мингга яқин қўйлари, тўқсон бош йилқиси бор. Ўн беш мингта товуқ тухум қилади. Фермер хўжалигида чет эл технологияси асосида бир кеча-кундузда икки тонна сутни қайта ишлашга мўлжалланган мўъжазгина сўт заводи бор. Заводда тайёрланган пиш-лоқ, сметана, сариёғ, йогурт, қатиқ каби маҳсулотлар тумандаги мактабгача таълим муассасалари, касалхона, ошхоналар, ёз мавсумида болалар оромгоҳларига етказиб берилмоқда.

Асли мутахассислиги иқтисодчи бўлган Раҳматилло ака ҳисоб-китобини қилиб иш юритади. Шу боис, пахтадан ҳам, галладан ҳам доим фойда олади. Уруғликка эътиборни қаратади, сифатли уруғлик маҳсулотлари етиштириб, кўпроқ даромад қилади. Бир гектарга яқин майдондаги иссиқхонада лимонзор бор. Тўрт гектар майдондаги узумзори олтиариқлик боғбонларникидан қолишмайди. Икки гектарлик интенсив боғида эса турли хил мева-мевалар дарахтлар экилган.

Инсон қадрини улуғлаган раҳбарнинг эл-юрт орасида обрў-эътибори кўтарилиб кетаверади. Раҳматилло аканинг саъй-ҳаракати



билан тумандаги якка-ёлғиз боқувчисиз қариялар учун кундузги дам олиш маскани 1995 йилдан буён фермер хўжалигининг оталиғига олинган. Ҳар йили ишчи-хизматчилардан йигирма беш нафари саломатликларини тиклаш учун хўжалик ҳисобидан сихаттоҳларга жўнатилади. Қўли калта, касалманд ва моддий муҳтож одамларга кўрсатилаётган саховат ҳисоби юз миллионлар миқдориди бўлаётир.

— Моддий муҳтожликнинг ҳораси топи-лар, лекин йил сайин қучайиб бораётган маънавий муҳтожликнинг ҳораси топи-лармикан? — дея Раҳматилло ака газакка туз сепгандек бўлди.

— Яқин-яқингача камбағал деб матбуотда ёзиш у ёқда турсин, ўзаро суҳбатларда ҳам бу сўз ўзимизда кам ишлатилар эди. Одамлар еяр-ичарида етишмовчилик бўлса-да, ён қўшнисига ҳам билдиришмаган. Орият қилишган-да. Қадрини баланд туттишган. Томорқасига у-бу нарса экиб, мол-қўй боқиб, тирикчилигини ўтказишган. Борида шукур, йўғида сабр қилишган.

Қанақа қадриятларимиз бор эди-я? Кимдир уй қуришни бошласа, қўни-қўшнларнинг, қариндош-уруғларнинг эркаклари бирикки кунда ҳашар қилиб битказиб қўйишарди. Яқинларни қўйинг, етти ёт бегоналар орасида ҳам оқибат қучли эди. Кўпчилик си-лаи раҳм сўзининг маъносини билмаса-да, қариндош-уруғлар, ака-укалар, опа-сингил-

лар, ота-оналар, эр-хотинлар бир-бирла-рига муҳаббатироқ эдилар...

Отам раҳматли “Қуш уясида кўрганини қилади” деб айтарди. Қобил фарзанд ота изидан бораркан. Қаҳрамонимизнинг ёлғиз ўғли Оятилло муносиб зурриёт бўлди. “Пирим устозим” деб отасининг этагидан маҳкам тутди, камол топди. Эътиборхон ҳожи онасига меҳрибон ўғил, опаларига иззатли ука, синглисига ҳурматли ака. Катта бир нуфузли корхона раҳбари. Ота-онасига раҳмат олиб берадиган ўғилнинг садақаси кетсанг арзийди.

Аввал ҳам Раҳматилло Қамолов “Ташаббус-98” кўрик-танловида энг яхши фермер деб топилиб, олтин медаль ва Президент соврини — “Дамас” автомашинаси билан мукофотлангани, “Ўзбекистон Республикаси ижтимоий таъминоти фахрий ходими”, “Халқ таълими хомийси” нишонлари олгани ҳақида ёзилган мақолаларни ўқиганмиз. Бугун ҳожи аканинг инсонийлик хислатларидан бир шингил ҳисоб қиляп-миз, холос.

— Ҳаётимиз гўё тарозининг икки палласидек, — деди у. — Яхшилик амалларимиз қўйилган палла оғир бўлсин деб, Яратган Эгам буюрган йўлда юришни мақсад қилган-миз. Эл-юрт назарида юришнинг юки оғир. Ҳаммасига даъво — одамларга яхшилик қилиш, эҳсонли бўлиш. Муқаддас каломларда айтилганидек, “Эҳсоннинг мукофоти эҳсондир”. Ҳаётимда бу ҳикматнинг ижобатини қўриб яшаяпман. Қилган яхшиликларимдан кўра кўпроқ Аллоҳдан яхшилик неъматини олиш бахтига эришиб юрганнимизга шукур.

Раҳматилло ака ҳузуридан қайтар чоғимиз шогирдларидан бири Ҳалимжон Раҳмонов шундай деди:

— Устознинг тўғри гапириши, омонатдорлик, ваъдасининг устидан чиқиш, ишларни режалаштириш, саховат қилиш, оилапарварлик, ҳушқўчақлик, дўстларга содиқлик, оқибатчилик, ҳолислик ва яна энг муҳими, ҳар бир ишда Аллоҳга тавakkал қилиш каби хислатларига ҳавасим келади.

Ҳалимжон ука, сиз ҳақ гапни айтдингиз, биз журналистлар ҳам Раҳматилло Қамолов сингари кишиларга ҳавасимиз келади. Бундай инсонлар ҳақида мақолалар эмас, катта-катта очерклар, китоблар ёзса арзийди. Чўнки “Меҳнат — икки кўздек иссиқ” деган гап бежиз айтилмаган.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюммаси аъзоси.

✓МАЪЛУМОТ

“ИЖТИМОЙ КАРТА”
НИМА ВА У КИМЛАРГА
БЕРИЛАДИ?

Ижтимоий карта 2024 йилнинг декабрь ойидан бошлаб янги тайинланган 9 турдаги ижтимоий тўловлар олувчи шахсларга тақдим этилмоқда.

Унга мувофиқ ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш молиявий агент вазифасини бажарувчи Ўзбекистон Республикасининг резидент тижорат банклари томонидан амалга оширилади.

Барча фуқаролар учун дастлаб электрон ижтимоий карта муомалага чиқарилади ва фойдаланиш учун тақдим этилади. Банк картаси шаклидаги ижтимоий карта фуқароларнинг хоҳишига кўра муомалага чиқарилади ва фойдаланиш учун тақдим этилади.

Ижтимоий картани муомалага чиқариш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, “Ижтимоий карта” мобиль иловаси ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ҳамда алоҳида ҳолларда ижтимоий ходимлар — молиявий агент орқали амалга оширилади.

Ижтимоий карта барча фуқароларга мобиль илова орқали реал вақт режимида бепул асосда муомалага чиқарилади ва фойдаланиш учун тақдим этилади.

2025 йил 1 январдан бошлаб “Ижтимоий карта” АТ ва мобиль иловани техник қўллаб-қувватлаш ижтимоий карта бўйича тўлов хизматларини кўрсатувчи тўлов ташиқлотининг туну кун фаолият кўрсатадиган техник хизмати йўлга қўйилган бўлса, 1 февралдан бошлаб ижтимоий картани муомалага чиқариш ва фойдаланиш учун тақдим этиш масалалари бўйича Агентликнинг ахборот-маълумотнома хизматларини кўрсатувчи “1070” қисқа рақамли ва туну кун фаолият кўрсатадиган хизмати фаолияти тест режимида йўлга қўйилди.

Жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб “Рақамли ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали фойдаланувчиларни идентификация қилиш тизими доирасида “Ижтимоий карта” АТнинг идентификация қилиш тизими жорий этилади.

Айтиш керак, қарорга мувофиқ, фуқаролар ўз хоҳишига кўра керакли хужжатни қогоз шаклида ёки мобиль илова орқали рақамли шаклда тақдим этиш ҳуқуқига эга. Йил бошидан янги тайинланган ижтимоий тўловлар ижтимоий карта орқали тўланганда, олувчининг илгари тайинланган бошқа ижтимоий тўловлари ҳам ижтимоий карта орқали тўлаб берилади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 1 апрелдан бошлаб ижтимоий карта транспорт картаси, шу жумладан, жамоат транспорти учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган шахар йўналишлари бўйича тариф режаларидан фойдаланган ҳолда имтиёзли транспорт картаси вазифасини бажаради.

2027 йил 1 январдан бошлаб эса ижтимоий тўловлар фуқароларнинг ижтимоий карталарига ўтказилади.



Алибек ЎСАРОВ,
Қўшраборт туман адлия бўлими
юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи.

✓ТИББИЁТ

Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ишлар қаторида тиббиёт тармоғида ҳам қатор ижобий ишлар рўёбга чиқариб келинмоқда. Хусусан, кейинги пайтларда “Тез тиббий ёрдам” хизматини такомиллаштиришга оид ҳукуматимиз томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, соҳага катта эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори бу йўналишда дастуриламал бўлаётир.

ҚУЛАЙЛИК

Мазкур қарор ижроси доирасида Самарқанд вилоятининг Қўшраборт, Пайариқ ва Самарқанд туманларида “Тез тиббий ёрдам” хизмати бинолари учун жами 4 миллиард сўмга яқин маблағ сарфлангани фикримизга далилдир. Натижада ҳудудларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди.

Жумладан, Қўшраборт туманида 1

миллиард 360 миллион сўмлик ишлар бажарилиб, натижада 142 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди. Пайариқ туманида ҳам “Тез тиббий ёрдам” хизмати биноси қурилишига 1 миллиард 100 миллион сўм йўналтирилиб, ходимлар ва беморлар учун барча зарур қулайликлар яратилди. Табиийки, ҳудудда яшовчи 273 минг нафар аҳоли бундан мамнун. Са-



марқанд тумани “Тез тиббий ёрдам” биносига 1 миллиард 350 миллион сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Ҳозир бу ерда тумандаги 272 минг нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароит мавжуд.

Кўни кеча мазкур муассасаларга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Республика тез тиббий ёрдам маркази томони-

дан замонавий “Volkswagen Caddy” автомобилналари топширилди.

Демак, бир замонлардагидек алмисоқдан қолган “тез ёрдам” машиналари ўрнига, замонавий, барча тиббий жиҳозларга эга техникалар соҳага жалб қилинаётганининг ўзи катта қулайлик муҳайё этилаётганидан далолат беради.

Ўбайдулло ХЎЖАНИЁЗОВ

✓ОҒРИҚ

КИТОБНИНГ “НАВБАТИ” ҚАЧОН КЕЛАДИ?

Озгина шоирлиги бор, газеталарга мақолалар ёзиб турадиган қўшма корхона иш юритувчиси Дилшодбек қишлоққа йўл олишдан олдин укаларига нима совға қилиш ўзасидан бир оз тараддулданди-да, лоп этиб хаёлига ёрқин фикр келиб қолди. “Китоб олиб бораман!”. Ахир беҳудадга “Боланинг қўлига нондан кейин китоб берин” демагандир машойиҳлар. Қанийди, нондан олдин китоб берадиган кунлар келса?! Китоб билан хонадонга маърифат кириб боради, нур кириб боради. “Қандингни ур, Дилшод! Шунчалик олтин бош бўладими?” Бу совға баҳонасида бир ўқ билан битта эмас, ўнта куённи ургандек бўлади, ҳам болалар хурсанд, ҳам диллар чарогон, ҳам жамият юксалган.

Энди яхши китоб топиш муаммоси кўндаланг бўлди. Қўллаб буюқларнинг фикрлари билан танишиш чиқишга тўғри келди: улар кўпроқ қайси тафаккур дурдоналарини эътироф этишган? Китобларнинг зўри-ку энциклопедия! Бирдангига “ЎзМЭ”нинг ҳамма жилдини кўтариб борсамиз? Бу шириндаворон хаёлидан ўзи ҳам нашъа қилиб, қулиб юборди, бунинг учун отлик бўлиши керак, ҳозирча эса у пийёда.

Ўзоқ мулоҳазадан кейин Жюль Верннинг “Ўн беш ёшли капитан” асарига тўхталди. Қўллаб машхур кишилар уни ер ва осмон имлларини ўрганишга қизиқтирган, буюқ саёҳатларга илҳомлантирган, кашфиётларга йўл очган, ҳаяжонлантирган, йилглатган, яна аллақанча фазилатлари бўйича мактадан экан. Балки қишлоқнинг биқик муҳитида мол ётаклаб, ўт чопиб ўсаётган укалар дунёсига Колумб ёки Гагарин бўлиш ҳаваси пайдо бўлиб қолса... Китобни топиш қийин бўлмади, китоб дўконлар ҳувуллаб ётарди, жавонлар майишиб кетган, одамларимиз

кам китоб олишади. Хуллас, укалар, уларга қўшилиб мактаб, бутун қишлоқ яйрайдиган бўлди. Ҳозир чекка жойларга китоблар кам боради, талашиб, ютоқиб ўқишса керак. Яқин йилларда бирор танишининг қишлоққа, болаларига китоб олиб борганини эслай олмайдим. Бу ишни у биринчи бўлиб амалга ошираётти. Бирдан гўдайиб кетди.

Шундай қилиб, китоб эгаларининг қўлига теғди. Муқоваси ялтираб турган муътабар совғани укаларига топширар экан, уларда бирор қизиқиш, ҳатто шунчаки ўзгариш ҳам сезмаган Дилшод буни катталарнинг бепарволигига тўнжади. Уларни ичидан янйиди. “Ширинлиг-у ичимлик, кийим-бошу пойабзал олиб келишган, бирор марта китоб харид қилишмаган...”

— Мана бу китоб — зўр китоб. Унда ҳам география, ҳам биология, ҳам зоология, тарих, об-ҳаво, денгиз ва ғуруқликлар ҳақида, умуман, жуда кўп маълумот бор. Жюль Вернни эшитгансизларми?

Атрофини ўраб олган ўнинчи, саккизинчи, олтинчи, тўртинчи синфларда ўқийтган укалари бурнини тортиб турар, унинг саволларига фақат бошини иргаб жавоб беришарди. “Ҳечқиси йўқ, — уларди Дилшод, — булар ҳали китобнинг таъминини олмаган. Бир масасини татиб кўрсин, асаларидек бочканинг атрофидан кетмай қолишади”.

— Кейинги сафар келишимда мазмунини сўрайман, — болалар жиймайди, лекин қотиб тураверди. Уларнинг қизиқишини ошириш учун:

— Қанча тез ўқиб бўлсаларинг, шунча тез келаман, — деб қўйди гўё укалари “Бир ҳафтадан кейин келинг” дейдигандек.

Ой ўтказиб келган Дилшод ваъдасига мувофиқ укаларини тўплади.

— Китоб зўр эканими?

Унинг наздида укалари ҳозир чуғурлашиб, уни саволлар билан кўмиб ташлайдигандек эди. Жим-

лик, фақат бурунни тортган овозлар қулоққа чалинди.

— Булар китоб ўқийдими? Эртаминан кўзини очгандан телевизор тагидан қимирлашмайди. Кечаси ухлагандан кейин бечора қора қутти дам олади, — гапга қўшилди онаси ийманибгина.

— Шўни ўчириб қўйса бўлмайдими?

— Э, қўйишадими? Ҳаммаси жовва тармашади. Айнқиса, мактабга бормайдиганлари қўймайди, осилиб, йиғлаб олади.

— Эслироқлари овутса...

— Катталари телефондан бўшамайди-ку...

“Борадиган жойига борибмиз...” деган муқоаза хаёлига келди-ю, шаҳарлик йигит ўзини тийди. Меҳр билан укаларига китоб ўқишнинг фойдаси ҳақида гапирди.

— Жюль Верн — зўр ёзувчи. У саксонга яқин роман ёзган. У ҳатто бизнинг юртларга темир йўл келишини юз йил олдин башорат қилган...

Кейинги сафар келишида ҳам билдикки, ҳали китобга навбат етмаган. “Балки етмайди ҳам...”. Тоғмоғига нимадир тикилди, фақат укаларининг қизиқишини ошириш (ўзи қизиқиш бўлмаса, қайдан ошади?) учун атайлаб:

— Жюль Верн билан бирга ишлаяпман. Зўр одам экан, бир хонада ўтираман, — деди.

Аммо укалари пинагини бузишмас, фақат аҳён-аҳёнда бурнини тортиб қўйишарди. На ўнинчида, на саккизинчида, на олтинчида, на тўртинчида ўқийтган ука: “Ўтган сафар унинг юз йил олдин яшаганини айтудингиз, сиз уни қандай кўрасиз?” дея олмасди.

Шунда ҳўрлиги келиб, уларнинг кўзига тикилди. Қўзлар худди кучукчанинг кўзига ўхшар, уларда на ақл ва на учқун бор эди...

Ҳаким САТТОРИЙ

БОҶИЙЛИК САОДАТИ

1-6. Валлоху аълам, шундай қилиб, кўчадан “Матбуот уйи”га кирган киракаш у ердан “Ўзбекистон овози” газетасининг бўлим мудири бўлиб чиқди. Қадрлар бўлими мудир Дилдора Имомова бир соат ичида барча ҳужжатларни тайёрлади, Сафар ака аризага имзо қўйди.

Бир ҳафта-ўн кун бўйини ишга ёр бермай юрди. Бунинг устига, осмондан тушгандай, туп-паталосдан ишга қабул қилинган камина билан тахририят ходимлари жуда эҳтиёт бўлиб гаплашади. Бунинг сабабини кейинчалик билдим. Бўлимда ишлайдиган Абдусалим Маҳмудов “Сафар ака акангизми?” деб сўраганида, “ха” деб қўя қолгандим. Бу гапга ҳамма чиппа-чин ишонибди. Уч ойларча вақт ўтиб, “сирим” фош бўлди.

Бир куни хонамизга бир йигит келди. Саломлашиб, биз билан кўришди. Мен ҳам саломлашиб, ишимни қилавердим. Бир пайт қарасам, Абдусалим оғзини очганча менга жайратомуз тикилиб турибди. “Нима гап?” деб сўрадим.

— Жияни билан ҳам шундай кўришадими? — Қанақа жиян?

Ўша пайтда бу саволим билан қовун тушириб қўйган эканман.

— Ахир бу Сафар аканинг ўгли Санжар-ку, танимаясизми?

— Э, танимай қўлибман, кел, бошқатдан кўришайлик, — деб қучоқлашиб кўришдим. Лекин сир фош бўлган эди.

Сафар ака ҳаммабоп одам эди. Ўзидан каттамин-кичикми, ҳамма билан бирдек тил топишиб кетаверарди. Бирорта одам иши тушиб келса, ҳамма ишини ташлаб, унинг муаммосини ҳал қилишга киришиб қоларди. Ёш боладек ҳамманинг гапига ишонаверарди. Агар биров алдаганини билиб қолса, ўша одам билан муомала қилишни йиғиштириб қўя қоларди. Тинимсиз ишларди, тинимсиз мутлолаа қиларди. Газетанинг ҳар бир сонига битта янгилик киритмасда, кўнгли жойига тушмасди. Кабинетига бирор киши кирса, бир-икки соатсиз чиқиб кетмасди.

Бунинг устига, Сафар ака тушликка чиқмасдан, эшикни ичкаридан қулфлаб олиб, газетанинг навбатдаги сонига бағриладиган мақолаларни тахрир қиларди. Токи ҳамма материалларни кўриб чиқмагунича, кўнгли жойига тушмасди. Оқибатда “тушлик” кечга қолиб кетарди. Кеч соат 4-5 ларда хайдовчи жияни Ҳасан олиб келган иккита сомса билан тамадди қилиб оларди. Вақт ярим тундан ўтганида, ишни аяқулаб, уйига кетарди...

Сафар ака учун байрам, шанба-якшанба деган гап йўқ эди. Ҳар ой, ҳеч бўлмаса, долзарб мавзуда икки марта бир саҳифадан мақола тайёрларди. Эсимда, Орол денгизининг суви қуриб қолган ҳудудларига шўрга чидамли бўлган саксовул навини экиш мақсадида 500 дан ортиқ энг кучли техникалар, бир неча минг киши жалб этилди. Шунда шахсан Сафар ака Қорақалпоғистонга бориб, “Мўйноқда янги тонг отмоқда” сарлавҳали бир саҳифалик мақола тайёрлади. Ёки Сардобада рўй берган офатнинг эртаси куни ўша ерга бориб, бир саҳифалик материал тайёрлаб қайтди. У тинимсиз ўз устида ишларди, изланарди, бошқалардан ҳам шуни талаб қиларди. “Шанба-якшанба кунлари уйда сасиб ётавермасдан, ишга келиб, бирорта яхшироқ мақола тайёрласаларинг бўлмайdimи?” дерди доим. Ходимлар унинг бағриларини жимгина тингласарди, лекин қайси аҳмоқ дам олиш кунларини ишонада ўтказарди?

Мен эса ана шу доимий айтилган гаплар таъсириданим, ё бошқадими, дам олиш кунлари ҳам мақола тайёрлаш учун ишхонага борадиган бўлдим. Сафар ака кўпинча судланган, лекин суд ҳукмидан норози бўлиб, тахририятга нажот излаб келган кишиларнинг дардини тинглаб, мақола тайёрлаш учун барча ҳужжатлари билан менга жунатарди. Уларни ўрганиб чиқиб, тахлилий-танқидий мақола тайёрлашининг ўзи бўлмасди — бунинг учун камид бир ҳафта кетарди. Вақтни қизганиб, дам олиш кунлари ҳам тахририятга бориб, шу мақола устида ишлашга тўғри келарди. Мақолани тайёр қилиб топширгач, Сафар ака душанбагача уни тахрирларди, сешанба куни газетада бир саҳифа бўлиб босилиб чиқарди. Ана шундай танқидий мақолалар боис, кўпчилик ноҳақ судланганларнинг иши Олий суд томони-

дан қайта кўриб чиқилиб, улар оқланди ёки суд қарорлари бекор қилиниб, қайта кўриб чиқишга юборилди. Шу билан бирга, чоп этилган ҳар бир мақоладан кейин менинг устимдан қилинган шикоят асосида ҳуқуқ-тартибот идорасига чақиришиб, савол-жавоб қилишарди. Мен “айб”ни Сафар акага тўнкардим, яъни: “Мақола Сафар Остоновнинг топшириғи бўйича ёзилган, эътирозлар бўлса, ўзига айтасизлар”, деб қутулардим.

Сафар аканинг гапи билан ана шундай танқидий мақолаларни жамлаб, “Олтин қалам” танловига топширдим. Тахририятнинг суд-ҳуқуқ бўлими ходими Равшан Шодиев ҳам танловга ҳужжат топширган экан, менинг бундан хабарим бўлмаган. “Энг кучли ёзилган” мақолалари учун “Олтин қалам” мукофоти унга насиб этди. “Манга қара, танлов ғолиби бўлишингни олдинроқ айтсанг бўлмасмиди, ҳужжат ҳам топшириб ўтирмасдим?”, десам, куладди.

Сафар ака ҳаммасини олдиндан билар экан, шекилли, ҳечам ажаблангани йўқ. “Кўп куйинма, бу дунё юргунганики эмас, гаплашганики”, деганга ўхшаш гап қилди. Унинг бу мулоҳазалари менга сабоқ бўлди. Шу-шу бундай уйинларга ишонмай қўйдим.

“Дўстинг кимлигини айт, мен сенга кимлигингни айтман”, деган қанотли ҳикмат бор эл ичида. Сафар ака Ўзбекистон Қаҳрамони, халқимизнинг севимли шoirи Абдулла Орипов билан жуда қадрдон эди, бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рискиев билан дўст-биродар эди. Полвонлар, курашчилар, спортчилар, шоирлар, бахшилар, созанда-ю хонандалар, фермерлар, тадбиркорлар, олимлар — ҳаммаси билан яқин эди. “Кўчанинг одам”лари ҳам Сафар аканинг мардлиги, фавқулодда жасорати учун ҳурмат қилишарди. “Пахта иши” никоби остида қўлаб беғуноҳ ўзбекларнинг умрига зомин бўлган Гдлян билан Иванов деган нобакорларни жазога тортиш учун ҳужжат тўплаб, чоп қилганида, уни жисмонан йўқ қилиш учун тайёрланган ва махсус жўнатилган ёлланма қотиллардан ҳам кўркмаган Сафар ака. “Мард бўлсанг, бирга-бир чик”, деб очиқ-ошкора чақирган. Сафар ака ҳатто ёлланма қотиллар кимлигини ҳам биларди. Лекин ҳеч кимга уларнинг исмини ошкор қилмади. Ҳатто душманини ҳам сотмади! Ана шундай инсон эди у.

Сафар аканинг шоғирдлари ҳам ўзига ўхшаш. Ухшатмасдан учратмас, деганларидий, уларнинг феъл-атворига ҳам Сафар аканинг таълим-тарбияси сингган. Бағри кенг, кўнгли очик, билимли, қаерда қандай ҳаракат қилишни биладиган серғайрат, тажрибали инсонлар. Уларни кўрсам, Сафар акани кўргандай бўламан. Демак, Сафар Остоновнинг иши ишончли қўлларда, деб ўйлаб қўяман баъзида.

2018 йилда Сафар Остонов 70 ёшга кирди. Оғайнилари, қадрдонлари: “Юбилейингизни қилиб берамиз”, дейишди, кўнмади. “Жамиятимизнинг барча соҳаларида ислохотлар авж олаётган бир даврда мен юбилей қилиб ўтирсам, уят бўлади”, деди. Ўшанда унинг тўғилган кунига бағишлаб ёзган шеърни столига ташлаб кетдим. Кейинчалик бу шеърнинг нусхасини бисотимдан излаб тополмадим. Сафар аканинг архивига бўлса керак. “Ўзбекистон овози” (“Қизил Ўзбекистон” — “Совет Ўзбекистони”) газетасининг 100 йиллиги ҳам ўтказилмади — коммунистларнинг газетаси бўлган экан у. Нима бўлганда ҳам бу тарих, миллат газетасининг тарихи, дейилса ҳам, кўнмади. Ўшанда ҳам шу санага бағишлаб шеър ёзганман. Лекин уни ҳам газетага чиқаришмади. Мана шу шеър:

“ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ”
(газетанинг 100 йиллигига)

*Бу оғунда бир аср
Кўз очиб-юмгунчадир,
Лекин инсон шафафи
Дунёлар туреунчадир.*

*Бир асрки, пойидор,
Ҳақ йўлида парвози —
Ватан, Миллат сўзидир
“Ўзбекистон овози”.*

*Ўтди қанча талотум,
Шайланди чамбараклар.
Беғуноҳ бошлар узра
Айланди замбараклар.*

*Гарчи дард кўп, алъамон,
Тордир кўкрак қафаси.
Ҳар сапирда ўт-исён —
Қайноқ ҳаёт нафаси.*

*Ким у, фикрат даргаси,
Мўътабар ва донишманд?
Қаро тунга нур сочиб,
Тўхтамайди ёнишдан?*

*Қўллағай эрк қўшқини
Қанча азизлар руҳи.
Бу меҳробнинг деви бор —
Асрга тенг шуқуҳи.*

*Алломишдай йўл босиб
Келаётир, айтинг, ким?
Бу — юз ёшли оқсоқол,
Гарчанд ҳамма турар жим...*

*Гуноҳ-савоб ажрини
Билеувчи тош-тарози.
Юзни урди навқирон
“Ўзбекистон овози”.*

*Ёнарсўздор, жонсўздор,
Ҳақ йўлинда ҳар калом.
Эй, заҳмат жонсўзлари,
Сизга 100 йиллик салом!*

*Бу оғунда бир аср
Кўз очиб-юмгунчадир,
Лекин ҳар лаҳза қадри
Очилган гулгунчадир!*

...2020 йилда мамлакатимиз бошига короновирус деган бало офати ёғилганида, кўп азиз инсонлардан ажралиб қолдик. Шулардан бири Сафар аканинг қадрдон дўсти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, шоир Саъдулла Ҳаким эди. Сафар ака унинг маъракасидан кейин тахририятга бир тўп ниқоб ва қўлга сепадиган махсус антисептик тарқатиб чиқди.

— Бундан буён қўл бериб кўришиш йўқ, — деди. — Бир-биримизга яқинлашмаймиз, 2 метр ораликда масофани ушлаймиз.

Шундан кейин ҳаммамиз ниқоб тақадиган, биров ёлғондан йўталса, етти чақирим нарига қочадиган бўлдик. Лекин тақдирдан қутулиб бўлмас экан, 2021 йилда Сафар ака Фарғонага бორганида, ортидан унда ковид чиққани ҳақида хабар боради. Биз Сафар аканинг бу балого гирифтор бўлганидан хабардор эмасмиз, мазаси қочиб, шифохонага тушибди, деб эшитганмиз. Унинг хайдовчисидан қаерда ётганини сўрасак, айтмади. Кўришга борайлик десак, манзил аниқ эмас...

Хуллас, Сафар ака тузалиб, ишга чиқди,

газета материаллари тахририни яна қайта қўлига олди. Орадан бир ойларча вақт ўтиб, у соғлигини тиклаш учун Республика стационарига ётди. Шундан кейин мен тахририят ходими Бардам Саъдуллаев билан Сафар акани кўришга бордик. Шифохона қоровули у кишини танимаса керак, деган истиҳола билан қайси палатада ётганини суриштирган эдик:

— Сафар Остоновни сўраяспизларми? Ҳува ана, богда, уни кўришга келган бир йигит билан юрибди, — деди. — Менга қаранг, бу шифохонада жуда катта амалдорлар, вазирлар ётиб даволанади, уларни кўришга ҳар куни 5-6, боринги, 10 одам келади. Сафар Остоновни ҳар куни юзлаб одам кўришга келади, ҳатто уларнинг кўпчилигини аканинг илтимоси билан қайтариб юбораман. Биласизми, 100 одам билан гаплашиш учун камида бир кун вақт кетади. Бу одам даволанадими, ё кўргани келган кишиларни қабул қиладими? Шу ерда 20 йилдан буён қоровул бўлиб ишлайман, лекин бу қадар ҳурматга сазовор инсонни кўрмаганман.

Бунга жавобан индамадик.

Сафар ака Шерзод деган тадбиркор шоғирди билан гаплашиб турган экан. Озиб қолган, ниқобда, нафас олиши ҳам маромида. Биз билан қўл бериб кўришди. “Биз дарров кетамиз, сизни уринтириб қўймайлик”, десак ҳам, 40 дақиқаларча суҳбатлашиб ўтирди. Шу билан хайрлашдик...

Орадан уч кўнча вақт ўтди. Якшанба куни эди ҳаёлимда, ҳовлида картошка экилган жўяқларни яғана қилаётган эдим. Тушдан кейин дам олиб ўтирсам, ўғлим Ойбек кўнгирак қилиб қолди:

— Дада, Сафар Остоновдан хабарингиз борми?

— Ҳа, уч кун бурун шифохонага кўришга борган эдик, яхши, тетик юрибди, — дедим. — Нимага сўраяпсан?

— Олий Мажлис сайтида бир шумхабар тарқалибди...

Юрагим шув этиб кетди. Дарҳол Сафар аканинг шофёри Ҳасанга кўнгирак қилдим. Афсуски, шумхабар ҳақиқат бўлиб чиқди...

Сафар ака кетганидан кўп вақт ўтмай, унинг ўрнига бош муҳаррирликка тайинланган раҳбар мени чақирди.

— Ака, энди аҳволимизни кўриб турибсиз, — деб олдимга бир варақ оқ қорғози қўйди. Янги муҳарриримиз катта ўғлим билан ёши тенг, тушунган, билимли йигит. Унинг ишдан бўшаш учун ариза ёз, деяётганини дарҳол фаҳмлаб етдим.

— Бўлди, қачондан ёзай? — деб сўрадим. — Эртадан, 1 июндан деб ёза қолинг.

Нафсиларимни айтганда, 2 йилдан буён меҳнат таътмига чиқмаган эдим, 2 ойлик компенсация деган нарсалар бор... Лекин Сафар аканинг хотираси ҳурмати, ҳаммасидан воз кечиб, ариза ёзиб ишдан бўшадим. Остоновларнинг бири у ёққа кетди, иккинчисини эса кетмасидан олдин ишдан бўшатишди. Ҳар ҳолда, шунга ҳам шукур.

Шундай инсонлар бўладикки, тириклигида эгаллаган мансаби, мартабасига қараб эъзозланади. Вафотидан кейин уни ҳеч ким эсламайди. Шундай инсонлар бўладикки, тириклигида ўз ҳалол меҳнати, одамларга қилган яхшилиги, эзгу хислатлари билан ўзига ҳайкал қўяди, охират заҳирасини яратади. Улар ҳаётни тарқ этганларида ҳам элнинг, миллатнинг қалбда, хотирасида абадий барҳаёт бўлиб қолади, боқийлик саодатига эришади. Сафар Остонов ана шундай рутбага эришган, мангуликка ўз муҳрини қўйган оташин жур-

налист, қуёш меҳрини бағрига сингдирган ва барчага баравар тафти берган авлиё эди.

Сафар Остонов ҳар гап ўтказиладиган тахририят “летучка”сида одамнинг ўйлаб ҳаёлига келмайдиган, ҳикматли сўзлар даражасидаги шундай фикрларни билдирардики, уларни ёзиб олмаса, ёддан чиқиб кетарди. Мен уларни улгурганимча ёзиб олардим. “Ҳой, бу айтилган гапларни ёзиб олинглар, шунга рисоа қилсаларинг, икки йилда муҳаррирлик даражасига етасизлар”, дейишимга қарамасдан, ходимларнинг бирортаси ёзиб олишни ҳаёлига келтирмасди. Мана, шуларнинг айримлари:

15.01.2015

“Қатта мақола катта меҳнатни талаб қилади. Уни қил-қизил, силқил сўзлар билан беэаб бўлмайди. Соғда ва ҳаётий, энг муҳими, тахлилий фикрлар бўлиши керак”.

10.02.2015

“Газетани олган газетхон нимани ўқийди? Шу ҳақда ўйлаш керак. Ҳар бир сонидо самимий, одамларнинг қўналива яқин мавзулар бўлмаса, уни ҳеч ким ўқимай қўяди.

Журналист ҳеч қачон ўз ишидан қониқмаслиги, ҳар бир саволга ўзи жавоб топиб, ўзи хулоса чиқариши керак”.

24.02.2015

“Ҳар бир мақолани жуда чуқур, жиддий ўйлаб, мулоҳаза қилиб, қаллада пишитиб, кейин ёзиш керак. Баъзан мақолага мос тушадиган битта сўзни топиш учун бир соат, бир кун кетиши мумкин.

Чет эллардаги тегишли илмий-тадқиқот институтлари Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган ОАВга баҳо бериб, “матбуотда жимжитлик” демоқда. Шунинг учун воқеалардан доим хабардор, ҳатто улардан сал устунроқ бўлишимиз зарур.

Мақолалар ноёб тақдирлар, ғаройиб одамлар ҳақида, кўпчилик ўқийдиган бўлиши керак. Масалан, сифатсиз қўшиқлар, бемаъно клиплар миллий ғоя, ёшлар мафкурасини сусайтиради. Муסיқашунос олимлар, санъаткорлар бор фикр билдирадиған. Дипломатия, меъёр, яхши гаплар билан узиб-узиб оладиган мақола тайёрлаш керак”.

“Бугун оммавий маданият ёшлар ва болаларнинг қалбини забт этаётгани кузатишмоқда. Уларни бундай ҳавф-хатардан сақлаш бугуннинг вазифаси. Бугун дунёда рўй бераётган ҳавф-хатарлардан, бало-қазолардан ёшларни қандай асраш керак? Курашининг қандай изчил, таъсирчан воситаларидан фойдаланиш керак? Бунинг учун ўша ҳавф-хатар моҳиятини ўрганиш, англаб олиш керак.

Телефонни очсангиз, одам кўрса уяладиган нарсалар келиб чиқади. Нима, буларни ёшлар кўрмаятми? Бу беҳаё нарсалар болалар, ёшлар, керак бўлса, миллат характери ни ўзгартириб юборапти. Тўғри, қуйими, башараси ўзбек, аммо қалби сотилиб, ўлиб бўлган. Уларни бу бало-фалокатлардан қандай асраш, ҳимоя қилиш керак?”

22.12.2015

“Ил яқуни бўйича ким нима қаромат кўрсатди ва жамиятга нима берди? Ана шу ва ҳеч ким кутмаган, ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган мавзулар ёршитилиши керак”.

19.03.2021

Сафар Остоновнинг охирги йиғилиш ўтказиши, шуни ҳам ёзиб қўйган эканман.

“Газетанинг навбатдаги сонидо чиқадиған материаллар ҳафтаниң жума кунигача тақдим қилиниши керак. Иша ҳурматсизлик — газетага, ўзига ҳурматсизлик. Ҳозир жамиятимизда тарбиясиз, масъулиятсиз, саводсиз, қалажон, ўзининг қобигива ўрналиб яшайдиған бетайин журналистлар авлоди пайдо бўлди. Илгари жуда кўп газеталарни ўқирдик, ўрганаардик. Ҳозир ўрганадиған манбанинг ўзи йўқ, ҳеч нарсадан беҳабармиз. Журналистлар тайёрлайдиған университет ҳам ўзига яраша бўлиб қолди.

Мен газетада бериладиган мақолалардаги ҳамма хатоларни ушлаб қололмайман. Шунинг учун уларни пишиқ-пuxта қилиб тайёрлаш керак, бўлмаса, ҳаммадан ўтиб кетади...”

Бу йиғилиш тахририят ходимларининг Сафар Остонов билан сўнги учрашуви сифатида хотирасига муҳраниб қолди...

Нуралло ОСТОНОВ

СИЙРАТ

Қачонки бетакрор шоира, ажойиб публицист, устоз ижодкор Зарифа опа Эралиева тўғрисида сўз кетса, энг аввало, Охангарону Ангрн ва Тошкент йўлида заминга меҳр ва одамийлик зиёсини таратиб, сўз гавҳарларидан марҳумлар тизиб юрган жоннисор аёл кўз ўнгимда гавдаланаверади.

Тошкент вилоятидаги матбуотчилар Зарифа Эралиевага бир сўз билан — “Опа” дея меҳр билан мурожаат қилади. Аслида ҳам шундай. Сўзининг моҳир заргари бўлган бу аёл чиндан ҳам вилоят матбуотчиларининг меҳрибон опаси бўлиб улгурган.

Опа гўзал умр йўлини босиб ўтмоқда. Унинг гўзаллигига Зарифа Эралиева шеърятини янадада фусункорлик бағишлаб турибди. Юқорида айтганимдек, бу инсон бетакрор шоира. Шоира шеърларидаги инжа тўйгулар тараннуми шеърхоннинг шавқини оширади. Шеърдан-шеърга ўтар экансиз, яна ва яна, такрор ва такрор ўқигингиз, Зарифа Эралиеванинг шеърят гулзоридан кўпкор баҳра олгингиз келади. Шоиранинг шеърларини даврдан айро тасаввур этиш қийин. Ҳар бир шеърнинг ҳар бир байтида шоира даврдошларига мурожаат йўлаб, хитоб қилади. Айниқса, “Қўшиқ”, “Дарахтлар”, “Бахтдан фол қўрилар”, “Келсам...”, “Бу тоғ”, “Елғиз аёл”, “Бир сўз”, “Бул сарой”, “Машо-ийклар айтимиш”, “Дунё”, “Ўқингн дегани”, “Эй дил”, “Гул”, “Бу кеча”, “Отам айтган эди”, “Қишлоқ аёли”, “Қарз”, “Ажаб”, “Шукрона” сингари шеърларида бу яққол намоён бўлади. “Чор-

ласа, оққушдай тизилиб келган” деган сатр билан бошланувчи ва синфдошларига аталган шеъри эса шоиранинг кўнгли торларидан тўкилган оҳанглардир. Айтиш мумкинки, кейинги йилларда ўзбек шеърятинида бундай ўзига хос шеър ёзилган эмас. Энг муҳими, шоиранинг даврдошлари барча замонлар ва маконлар учун умумийдир. Янги даврда дунё юзини кўрган “Улуғ кун” фаҳриясини эса ҳали адабиётшунослар тарафидан ўз эътирофини топганича йўқ.

Зарифа опанинг шеърлари бир муқова остида жам бўлмаган эса-да, ранж ила дунёга келган ва дунё юзини кўраётган нафис шеърятини оғизга тушган ардоқли шоира.

Мен бир куни бетакрор шоира Ҳалима Аҳмедовага Зарифа опанинг бир шеърини ўқиб бердим. Ҳалима опа тасанно ишорасидан сўнг шеърнинг муаллифини сўради. Зарифа опа эканлигини айтсам, “Охангаронлик шоирами?..”, деб эски хотиралар дафтарини вараклай кетди.

Зарифа Эралиеванинг шеърятидан ташқари жуда гўзал публицистикаси ҳам бор. Опанинг бир неча ўн йиллик мақола ва очерклари қолиб, энг сўнгги бадий-публицистик асарларида диққат қилсак. “Шарқ юлдузи” журналининг 2017 йилги сонидо “Оқаётган дарё”, 2021 йилги сонидо эса “Қуёшини асра, осмон!” очерклари босилди. Гапнинг индаллоси, қа-

ЙЎЛДАГИ АЁЛ

рийё ўн йилдан бери ўндан зиёд босма нашрларни мунтазам кузатиб борувчи бир ижодкор сифатида айта оламани, ўзбек матбуотида кейинги йилларда бундай халқчил бадий-публицистик асарлар кам нашр этилган.

Чунки бу очеркларнинг ҳар иккисида ҳам жафокаш халқимиз фарзандларининг ҳаёти, турмуши, оғир кунлари, бошидан кечирган синовли дамлари ва қулиб боққан саодати рўйроост, ортиқча безак ва муболағаларсиз баён қилинади. Очеркларни ўқий туриб, сатрдан-сатрга, хат бошидан-хат бошига, бобдан-бобга ўтар экансиз, муаллифнинг нозик кўнгли ва сўзга нисбатан жуда эҳтиёткор эканлигига иқрор бўлиб борасиз.

Опа чуқур мулоҳаза юритиб, етти эмас, етмиш ўйлаб бир сўз айтиши яққол сезилиб туради. Сўзга нисбатан бу қадар эҳтиёткор муносабатда бўлувчи ижодкорлар камдан-кам бўлади, албатта. Очеркларни ўқийтоб, бир жилгага айланасиз-у, чўққидан денгиз сари илдамлаётган покиза сув каби тозарганингизни ҳис қилиб борасиз ва завқланасиз, шавқ туясиз. Табиийки, бу жараён юрагингизга ёруғлик бағишлайди.

Зарифа Эралиеванинг очеркларида яна тинчликнинг ранги ва оҳанги бор. Унинг ҳар бир асаридо, айниқса, юксак савиядаги очеркларида тинчликка алоҳида ургу ва ўрин берилади. “Оқаётган дарё” очеркида тинчликнинг

рангини тасвирлаганди. “Қуёшини асра, осмон!”да эса тинчликнинг оҳангини қабутарлар хонишида баён этади. Қабутарнинг “ғулу-ғулу”-лашидан закий ва синчков муаллиф тинчликнинг товушини инкишоф этади.

2020 йили Сардоба воқеалари ҳақида “Матонатли эп” номли йўл очеркини қоралагандим. Йўл очерки қаҳрамонларидан бири Зарифа опа эди. Кўпгина давраларда эътирофга сазовор бўлган биринчи мақолаларимнинг бири шу. Айтмоқчи бўлганим, бу очеркка опанинг назари, нафақат назари, балки қалами ҳам теккан. Яқинда қаламдош ва қадамдош дўстим Отабек Бакиров Шарқнинг биринчи қалдирғочи Тамарахоним ҳақидаги бир эссесини юбориб қолди. Ўқидим. Нимадир етишмаётганини ўзи ҳам сезган экан. Албатта, тажриба ва маҳорат. Лекин “Бунга Зарифа опанинг нигоҳи етишмапти”, деб очик айтдим.

Зарифа опа журналистлик фаолиятини ҳозирги “Охангарон ҳаёти – Жинзъ Ахангарана” газетасида мусахҳиҳликдан бошлаган. Кейинчалик шу даргоҳда муҳбир, “Тошкент ҳақиқати” газетасида муҳбир, бўлим мудир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси ўринбосари вазифаларида меҳнат қилди. Узоқ йиллар Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасига раҳбарлик қилди, вилоятда ахборот муҳити ва матбуот ривожини кўйган оташин жур-



ҳам эп-юрт юмушида қаламини ҳамроҳ қилиб, йўлда собит келмоқда. Мана, шу йўллар аро Зарифа опа ҳалоллик ва олижаноблиқни, ҳиммат ва меҳрибонлиқни, дилкашлик ва ростгўйлиқни, адолат ва ҳақиқатни шиори деб билди.

Муҳлисуси шоғирд, шоғирду муҳлиснинг айтари-дан бир чимдим ушбу эди. Ишончим комил, йўлдаги аёл тўғрисида нафис анжуманларда, мақола ва очеркларда ҳали қўпу қўй айти

САЁХАТНОМА

ҲАЙНАНГА БОРИНГ,

Самолёт шиддат билан юқорилай бош-лади. Илпоминатордан пастга қарадим-у юрагим орқиди. Тунги Тошкент чироқлари қоп-қора само кўйнидаги ёрқин юлдузлар каби ястаниб ётарди. Унинг гўзаллигига қараб кўз тўймас, завқ-шавқ билан узоқ термилиб, жонажон шахримни яна бир бор яхши қўриб кетдим...

Ўзи, Тошкент халқаро аэропорти хизматчиларининг самимийлиги, дилкашлиги, ҳозир-жавоблиги, текширувларни осонлаштиргани кайфиятими кўтариб юборганди. Қолаверса, Тошкент — Санъя йўналиши бўйича учётган самолётнинг биринчи йўловчилари биз эканмиз, олқишлар билан кузатиб қўйишди. Янги самолётнинг янги ўриндиқларида ҳушнуд ўтирар эканман, ҳаёлимда гўзал фикрлар чарх ура бошлади.

Хитой беш минг йиллик тарихга эга буюк мамлакат. Қоғозни биринчи бўлиб хитойликлар кашф этган. Хитой ёзуви, ҳарфлари-иероглифлар беш минг йил олдин кашф этилган ва беш минг йил давомида бирор марта ўзгартирилмаган (бизда-чи, кейинги юз йил ичида неча марта ўзгартирилган — буни санаш керак). Бугунги хитойлик беш минг йил аввал ота-бобоси нима ёзганини бемалол ўқий олади. Бунинг аҳамияти жуда катта. Беш минг йил давомида тўпланган маънавий бойлик, маънавий ёдгорликларга ворис бўлиш, бу ҳазинага эга бўлиш узоқ кўлингда калит туриши қандай улкан ва бебаҳо бахт, шараф!

Бир пайтлар Хитойда шоирларга катта эҳтиром билан қарашган. Ҳатто шеър ёзишни билмаганларни давлат хизматига олишмаган. Шоирларни сўз заргарлари, инсон туйғуларининг моҳир кўйичи, одамлар қалбидини билимдони, хитой тилини оқсакка кўтарувчи, адолатпарвар, ватанпарвар кишилар дейишган. Сўзни яхши ҳис қилмаган, икки оғиз сўзни эплаб ёзолмаган, одамлар туйғуларини, изтиробларини билмаган одам давлат ишхонасида амалдор бўлиб ишлашга нолойиқ дея ҳисобланган. Шеърят танловлари ўтказилиб, ғолиб шоир амалдор этиб тайинланар экан. Ўзинчи асрадаёқ оммавий тарзда китоб чоп этган (Европа орадан 850 йил ўтиб, Иоан Гутенберг хатти-ҳаракатлари орқали китоб чоп этишга эришган).

Ҳайнан оролининг Санъя шахрига келиб қўнди. Димоғимга тоза ҳаво урилди. Тўйиб-тўйиб нафас ола бошладим. Бу оролининг ҳавоси тозалик жиҳатидан бекорга Ер юзиди иккинчи ўринда туради (биринчи ўринда Гавайи ороллари) дейишмас экан. Ўзбекистон самолёти биринчи марта тўғридан-тўғри Санъя шахрига келиб қўнгани шарофатига хитойликлар гулчамбарлар билан қутиб олди.

ЧАНГАЛЗОРЛАР ОРАЛАБ

Ҳайнан — Жануби-Шарқий Хитой денгизининг ўртасидаги, тоғлар, тепалиқлар, ўрмон ва чангалзорлардан иборат қиш бўлимайдиган, ям-яшил, баҳаво, қирғоқлари олтин қумли мафтункор орол экан. Аэропортдан меҳмонхонагача ўттиз чақирим йўл босдиқ. Кўчадаги лотинча, ивритча, кириллча харфга кўзим тушмади, деярли хитой ёзуви — иероглифда ёзилган. Онда-сонда рус тилидагиси чиқиб қолади. Оролга бир йилда дунёнинг олти китъасидан 83 миллион сайёҳ тақриб буюради, уларга енгиллик бўлиши учун, лотин, кирилл ҳарфлари ишлатилиши керак эди, лекин хитойликлар ўз тилларини, ўз маданиятларини шу қадар қаттиқ ҳимоя қилишар эканки, бегона ҳарфларга ўрин қолдирмас экан. Ўзимизнинг кўчаларда эса... ўзингизга маълум.

Меҳмонхона ошонасида овқатлар хитойча. Аммо атроф жуда гўзал. Кўча ғуж-ғуж дарахт, ял-ял ташланган чаманзор, қил-қизил алвон гулларга бурканган, анвойи ҳидлари димоқни қиқиллайди. Шаҳар, уйлар, бинолар, кўчалар гулларга, дарахтларга, чечакларга қоришиб кетган, йигирма тўрт қават бинонинг тепасига қарасангиз, бино томида дарахтлар гурираб ўсиб ётибди, йўлларга қарасангиз, йўлнинг ўртасидан қил-қизил гулзор ўтган, шаҳар маркази қаерда деб изласангиз, қирқ қаватли бино олдида қоялар қад ростлаб турган бўлади. Оромбахш ҳиёбонлар, тошқин дарёлар, кўм-кўк қўлларнинг сон-саногии йўқ.

Табиат ва инсоннинг бу қадар чамбарчаслиги, уйғунлиги ҳавас уйғотди. Ҳайнан кичкина орол бўлишига қарамай, мингдан ошқ ўз ёшдан ошган инсон яшаркан. Бир қария онахон билан суҳбатлашсам, "Онамини кўришга кетялман", — деди. Ие, бу кампирнинг онаси ҳам бор экан, ўзи кекса бўлса, онасининг кўраини бир қара, онаси неча ёшда экан, онасини қир қўриб, юз ёшли Зулайхо ҳожи онамининг саломини етказиб қўйиб, таксига ўтириб, унинг



онасини кўришга бордим, афсуски, онаси ўзининг онасини кўришга кетган экан. Аммо борганимга пушаймон бўлмадим. Шу баҳона, кекса онахон билан анча гурунлашдик. Кекса онахон табиат ҳақида қизик воқеани гапириб берди: Унинг айтишича, бир пайтлар Ҳайнанда овчилик ривожланган экан. Ҳайнан ўрмонларида, чангалзорларида бўри, тулки, айиқ, қоплон, қийиқ, йўлбарс, хуллас, ёввойи ҳайвонларнинг ҳамма тури бор экан.

Кекса онахон яна шундай ривоятни сўзлаб берди: Бир моҳир овчи бир кийикнинг изига тушибди. Кун бўйи ортидан қувибди. Ниҳоят, кийик боши берк дарага кириб қолибди. Қўншига йўл қолмабди. Овчи камонни чўзиб энди отаман деганда, кийик сохибжамол қизга айланиб қолибди. Қиз шу қадар латофатли, шу қадар гўзал, шу қадар жозибадор эканки, овчи қизни бир кўргандаёқ ошиқи бекорор бўлибди. Қилаётган зулми учун қизнинг қаршисиди тиз чўкиб кечирим сўрабди, ялиниб ёлворибди. Кунлар ўтиб, севги изхор қилибди, хуллас, икки ёш тўй қилиб, бахтли яшабди. Шундан буён овчилар табиатни асраб авайлайдиган, табиатдаги жонзотларга меҳру муҳаббат билан қарайдиган бўлибди.



Ҳайнан кўчаларидаги таксилар электромобилларга алмаштирилган. Электромобиллар қувват олиш учун соатлаб турмайди. Қуввати тугадики, дарҳол автопаркка боради, уч дақиқада батареялар алмаштирилади, ишга чиқиб кетади. Олдиндан айтиб қўйиб, хитойликларнинг ҳаммаси ҳам авлиё эмас, пайти келса, бирпасда пулингизни қоқиб олади. Бир таксига ер ости дўконига олиб бор, деган эдим, 50 юань сўради. Бу бизнинг пулга тахминан 80-90 минг сўм бўлади. "Хўп" дедим. Таксига ўтириб, нафасимни ростламасдан етиб келдик. Ер ости дўкони мен турган меҳмонхонадан бор-йўғи уч-тўрт чақирим жойда экан.

Ҳайнандаги ер ости дўкони эллик метр чуқурликда жойлашган, узунлиги тўрт километр, беш қаватдан иборат дўкон. Айланмишга эринмасангиз бўлди, ҳамма нарсаси бор. Ёрликлардаги нархларга ишонманг, савдолашсангиз, ярим нархига олишингиз мумкин.

Ҳайнанликлар ҳиёбонларда мусиқани баланд қўйиб, эртадан кечгача жисмоний тарбия билан шуғулланидлар. Қатор турган одамларнинг сафига қўшилиб сиз ҳам жисмоний тарбия билан шуғулланишингиз, чарчаганингиздан кейин аста йўлингизга равона бўлишингиз мумкин.

Умуман олганда, хитойликлар дунёда энг қиммат нарсаси соғлиқ деб билар эканлар, соғлиқ улар учун доимо биринчи ўринда экан, қўша-қўша уй солиш, қимматбаҳо кийимлар кийиш, тилло-ю зарга бурканиш, гўмбурлаган тўйлар қилиш, ҳашаматли машиналар олиш ҳаммаша

кейинги ўринларда турар экан. Бу ибратли биз учун.

"СЎНГГИ НАФАСГАЧА ИЛМ ОЛАМИЗ"

Санъя шаҳридаги ўрта мактаблардан бирига бордим. Мактаб пештоқларига осиб қўйилган шiorларга кўзим тушди. "То тирик эканмиз, ўқиймиз, изланамиз, сўнгги нафасгача илм оламиз". "Дарс қолдиргандан ўлган яхши, то танангда қувват бор экан, ўқи, танангда заррача мадор бўлса, ўқишга сарфла". "Сен нафасингни ростлагунча, бир неча қадам ортда қолдириб кетишади, буни истамасанг, бор қўнғин билан олдинга интил, дам олишга фурсат йўқ".

Ўқув йили Хитойда биринчи сентябрдан бошланиб, болалар биринчи синфдан то ўн иккинчи синфгача ўқишар экан. Бир синфда эллиқтача бола ўқийди. Ўқувчилар деярли эртадан кечгача мактабда бўлишаркан. Биринчи синфдан олтинчи синфгача саккиз соат, олтинчи синфдан тўққизинчи синфгача ўн соат, тўққизинчи синфдан ўн иккинчи синфгача ўн икки соат дарс билан машғул экан. Ўйга кетганда ҳаммасига уйда тайёрланиш учун қўшимча вазифа берилар экан. Ўқитувчининг ўқувчини уришига (таёқ билан қўлига) давлат томонидан руҳсат берилган экан. Ёзги таътил бизга ўхшаб уч ой эмас, ўн кун атрофида экан...

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с. а. в.): "Саёҳат қилинлар, саломат бўласизлар", деганлар. Ёз-жанларимдан мақсад, сизларни сафарга, саёҳатга чорлашдир. Ўзимизнинг Бўстонлиқ, Қумушқон, Зомин, Эртош, Нанай, Хива, Бухоро, Самарқанд ҳам гўзал гўшалардан ҳисобланади. Дубай, Қатар, Истанбулга бориш ҳам анча арзонлашди. Саёҳатга чиқинг, ҳаво алмаштирасиз, дунёқарашингиз кенгайди, ўз ҳикоянгни яратасиз.

...Хитойликларнинг жуссалари кичкина, кийими оддий. Айтайлик, чўнтагида юз минг юань бўлса ҳам, футболка, кроссовка, пахталик шалпиллаган шимда юришади...

Хитой чойнинг ватани бўлишига қарамай, хитойликлар чой кўп ичмайди, аммо чойни кам ичишса ҳам жуда қимматбаҳо ичимлик ичаётганди, кичкинагина чашкада тантана ва вижор билан ичишади. Агар уларнинг олдида чойга шакар қўшсангиз, ўзбекистон олдида шўрвага мураббо қўшганингиздай гап экан.

Қизил ранг хитойликларнинг сеvimли ранги. Улар учун қизил ранг бахт, муҳаббат, омад тими-соли. Шунинг учун ҳар бир хитойликнинг хонадониди қизил шарлар, қизил аждарҳорларнинг суратлари, ясама тулумлари осийлиқ туради. Биз болагилгимизда таққан қизил галстукларни, пионер галстукларини хитойлик ўқувчилар ҳали-ҳамон тақийшади. Қизлар никоҳ куни қизил либосларга, ҳашаматли қизил қўйлаг-у қизил чачволларга бурканишади. Бизнинг тўй куни қиядиган оқ либосларимизга, фаталаримизга кафанликка қарагандай қўрқув ва ваҳима билан қарашади.

Хитойликлар овқатни чапиллатиб ейди. Қанчалик қаттиқ чапиллатсангиз, демек, овқат шунчалик ширин. Индамай есангиз, демек, овқат бемаза бўлган, демек, ошпаз ношуд, индамай ейиш овқатнинг бемаза эканлигини индамай айтишдир, деб тушунадилар.

Савдо-сотикда, ошхона, кафе, таксида доллар ишлатилмайди. Сизни ҳам ишлатишга қўймайди, доллар ҳеч жойда ўтмайди. Доллар фақат давлат банкларида юанга алмаштириб берилади.

Тарихий маълумот. Қоғоз пулине ватани Хитойдир. Бу ўлкада эрамиздан аввалги биринчи асрда қоғоз пул муомалага чиққан.

Хитойда қатталарга ҳурмат, кичикларга иззат қатъий йўлга қўйилган. Хитойлик аввал онасининг ҳурматини жойига қўяди, еб-ичиради, кийинтиради, жами эҳтиёжини таъминлайди, сўнгра боласига қарайди, боласининг кўнглини овлайди. Бу қатъий қонун сифатида йўлга қўйилган.

Ҳақиқатан ҳам, хитойликлардан кўп нарсани ўрганаск бўлар экан. 1949 йилда Хитой аҳолисининг 90 фоизи саводсиз, ўқийши ҳам, ёзиши ҳам билмаган. Ҳозир-чи, улар интеллектуал салоҳият бўйича дунёда энг олдинги ўринларда туради. 1980 йилларда хитойлик ёзувчилар Тошкентга келиб, оғзи очилиб қолганлигини, кийим-кечак, озиқ-овқатларни сумкалар тўганича олганлигини ўз кўзим билан кўрганман. Хитой кўз ўнгимизда, қирқ йил, эллик йил ичида дунёдаги энг қудратли, энг буюк, энг бой давлатлардан бирига айланди. Ривожланиш сирларини буюк давлатлардан ўрганайлик! Хитойликларнинг меҳнатсеварлигини, илмига, кашфиётларига, ривожланишга, тараққиётга чанқоқлигини ўрганайлик!

Жаҳид боболаримиз Европада илм ўрганишга, уларнинг тараққиёт сирларини ўзлаштиришга, ҳаётимизга татбиқ этишга уринишган. Қачонгача ўзимизни ўзимиз ёлғондан алқаб, биз ҳаммадан зўрмиз деб ўтирамиз?

...Хаш-паш дегунча саккиз кун ўтиб кетди. Мана, Ҳайнан билан хайрлашиш фурсати келди. Хайр, гўзал денгиз, мафтункор боғлар,

чакалакзорлар! Хайр, хушҳаво сайилгоҳлар, осмонўпар бинолар! Хайр, буюк тараққиётга қадам қўйган Ҳайнан!

Самолётимиз Тошкент аэропортига қўнғач, йўловчилар чапак чалиб юборди. Тошкентнинг бўғиқ, чанг ҳавоси димоғимизга урилди. Танишларимга хитой юанларидан, тангаларидан совға улашдим. Бунинг ирими бор. Қимда қайси давлатнинг пули бўлса, бу пул уни ўша мамлакат сари етаклайди. Мен ҳам яхши ниятда дўстларимнинг Хитойга боришлари учун чўнтақларига сафар уруғини қададим.

Бугунги кунда Хитойда қоғоз пул камдан-кам ишлатилади, туристлар ишлатмаса, ҳеч кимнинг қўлида пул кўрмайсиз. Ҳатто пластик карта кўрмайсиз, смартфонларда "QR код"лардан фойдаланиш эски усул. Хитойлик дўкондан озиқ-овқат ё кийим-кечак харид қилса, касса олдидаги махсус ускунанинг олдида боради, ускуна хариддорнинг кўзи ё юзини суратга олиб, ҳисоб-рақамидан керакли суммани ечиб олади.

Хитой юанларининг ҳаммасида Мао Цзедуннинг сурати бор.

Тошкентга келганимдан кейин берилган биринчи савол, хусусан, Зулайхо хожи онамининг саволи: "нима единг, нима ичдинг, очкаб қолмадингми, улар қўрт-қумурсқаларни ейишар экан" сингари саволлар бўлди. Ҳа, ҳақиқатан, улар товуқ панжасини, маймуннинг миясини, қўршапалак шашлигини, итни, чўққани, гулни, илдинзи, чигирткани, илонни, қаламушни, сичқонни, хуллас, қимирлаган жонзот бори, ҳаммасини ер экан. Ҳатто, қалдирғоч инидан шўрва қилишар экан. Аммо шунга яхши билиш кераки, Ер юзидидаги ҳар беш кишининг бири хитойлик, уларнинг сони Хитойнинг ўзида бир миллиард тўрт юз миллион бўлса, қолган мамлакатларда яшовчи яна олти юз миллионга яқин хитойликни қўшганда, жами икки миллиардга етади. Улар хитой таомларидан бошқасини яхши демайди, хитой таомлари дунёдаги энг яхши таом дейди. Нима ҳам дердик?

ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Хитой Таиланд, Бали, Вьетнамга ўхшамас экан. Севги тартиб-қоидалари қаттиқ назорат остида. Бу ерда, жилови бўш хитой аёлини учратмайсиз. Ҳатто, Хитой университетларида қизлар алоҳида ётоқхона биносига, ўғил болалар алоҳида ётоқ биносига яшашар, қизлар биносига бирор ўғил болани, ўғил болалар биносига бирор қиз болани киритмас экан.

Оила қурмоқчи бўлса, биздагидек келинни-кига совчи юборилар экан. Ота-онаси ёки қариндош-уруғлари бирор қизни тавсия этишар, йигит ва қиз авваллари бир-бирини кўрмаган бўлса ҳам, учрашганларидан кейин бир-бирига ёкса, оила қўриб кетишаверар экан. Албатта, агар севгани бўлса, севганига уйланар экан. Хитойликлар учун оила энг муқаддас қўрғон ҳисобланар, агар йигит ва қиз учрашса, шунчаки қўнғилхушлик учун эмас, оила қуриш учунгина учрашар экан.

Хитойликлар учун бола азиз, аммо ота-она нундан азиз. Ота-онага қарамаслиқ, ғамхўрлик қилмаслиқ, қаровсиз қолдириш, қарилар уйига топшириш, ташлаб кетиш энг катта шармандалик ҳисобланар экан. Бундай фарзанд жамоатчилик лаянатида дучор бўлар экан. Хитойда жамоатчиликнинг фикри жуда катта аҳамиятга эга, ҳатто ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Маълумки, Европада инсон бу шахс, унинг ўз дунёқарашини, ўз фикри, ўзининг дахлсиз олами бор. Европалик мен биттаю битта яратилганман, ҳеч кимга ўхшайман, ўхшашни истайман, дейиши мумкин. Аммо хитойлик ундай демайди ва деёлмайди. Агар деса, у худбин ҳисобланади ва жазоланади, яккамоҳовга ўхшаб қолади. Хитойликлар жуда аҳил ва қаерга борса, дарҳол бирашади, тўп-тўп бўлиб яшайди. Шу сабаб Америкада ҳам, Англияда ҳам, Россияда ҳам, қайси давлатга хитойлик борган бўлса, "Чайна таун" — Хитой кварталлари бор. Аслида, хитойлик деган миллат йўқ. Хитойлик дегани Хитой фуқароси дегани. Хитойда 206 тилда сўзлашувчи 56 хил миллат ва элат вакиллари яшайди ва шуларнинг ҳаммаси умумий маънода хитойлик дейилади. Хитойда беш юз-олти юз йилдан буён яшаётган ўзбеклар ҳам бор ва улар билан бемалол ўзбекча гаплашиш мумкин.

"Ўзимдан бек томиб, нега Хитойни маътапман?" Улардаги ақл бовар қилмас тараққиётни ўрганайлик, деялман, холос. Қолаверса, Хитойнинг ўзида 60 фоиз ер майдони ўзлаштирилмасдан, одам оёғи етмасдан эгасиз, ёввойи ҳолатда ётибди. Ўнлаб осмонўпар бинолари бор шаҳарлар одам йўқлигидан ҳувиллаган, бўм-бўш. У ерда одам яшамайди. 22 миллион янги қурилган уй қимматсиз, бирор зот яшамайди, одам яшашга муҳтож. Яшайдиган одам йўқ. Қолаверса, Хитойда бир мақол бор: "Бошқалар сенга қандай муносабатда бўлишини хоҳласанг, сен уларга шундай муносабатда бўл".

Албатта, Хитойда ҳам муаммолар тикилиб ётибди. Масалан, Америка, Европа университетларини битираётган хитойлик вундеркинларнинг ўнтадан саккизтаси Хитойга қайтиб бормаяпти. Мен шунчаки саёҳат таассуротларим билан ўртоқлашаялман, холос.

Яна Хитойда хайратлангирган нарсаси, хитойликларга қў-тўрт оғиз хитойча сўз айтган эдим, мамун бўлиб чапак чалишгани мени хурсанд қилди. Мана, ҳақиқий ватанпарварлик. Мана тилга эҳтиром, миллатга эҳтиром!

Юқорида айтганимиздек, улар таълимга жуда қаттиқ эътибор беришади. Университетга кириш учун битта жойга икки юзта бола имтиҳон топширади. Энг юқори баъл олган болагина ўқишга қабул қилинади.

Қўрган-билганларимни баён қилдим, ўқиб ўқинлар, дегим келди, холос.

Муҳаммад ИСМОИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ХОРИЖДА

САММИТ ҚОЛДИРИЛДИ

Мисрда бўлиши кутилаётган Фаластин бўйича Араб давлатлари лигаси фавқулодда саммити шу йилнинг 4 мартига қўчирилди. Бу ҳақда Миср ташқи ишлар вазирлиги хабар берди.



"Миср Араб Республикаси 2025 йил 4 март куни Фаластин масаласи бўйича Араб давлатлари лигасининг фавқулодда саммитига мезбонлик қилади", — дейилади вазирлик баёнотида.

Гап шундаки, бундан ўн кун олдин Фаластин масаласи бўйича Араб давлатлари лигасининг фавқулодда саммити 27 февраль куни Қоҳирада ўтказилиши хабар қилинган эди.

ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ

Қирғизистон президенти маъмурияти сайлов тизимини ўзгартириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлади. Бу ҳақда "report.az" сайти хабар берди.



Мамлакат парламенти спикери Нурланбек Турғунбек ўғли бошчилигидаги бир гуруҳ депутатлар лойиҳани жамоатчилик муҳокамасига тақдим этдилар.

Сайловларни ўтказиш учун 30 та сайлов округи бўлиши тақлиф этилмоқда. Ҳар бир округдан учта депутат (икки эркак ва бир аёл) сайланади.

ИНСОНИЯТ ШОКОЛАДСИЗ ҚОЛАДИМИ?

Ғарбий Африка мамлакатларидаги фермерлар кучли иссиқлик ва қурғоқчиликка дуч келиши оқибатида аллақачон қакао ҳосили камайиб кетди. "Climate Central" ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, энг йирик қакао етказиб берувчилар — Кот-д'Ивуар ва Ганада вазият мураккаблашган.



Миссисипи штати университети ходими Нарсиса Прикопнинг сўзларига кўра, фермерлар иссиқхона газлари чиқиндилари оқибатлари тўғрисида "эксистенциал таҳдид"га дуч келмоқда. Агар тенфенда давом этса, ҳаёгон шоколад саноати янада жиддий муаммоларга дуч келиши мумкин.

Аномал иссиқлик ҳосилнинг миқдори ва сифатини пасайтиради. Бу эса шоколад нархларининг ошишига олиб келади ва Ғарбий Африка мамлакатлари маҳаллий иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатади.

ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ТОРТИШУВ

Европа давлатлари етакчилари шу йил 17 февраль куни Парижда фавқулодда саммит ўтказди. Унда Украинага ҳарбийларни юбориш масаласида тортишув юзага келди. Бу ҳақда "Financial Times" хабар берди.



Париждаги саммитда Буюк Британия "жанг майдонига чиқиш"ни тақлиф қилганидан бир неча соат ўтиб, Германия, Италия, Польша ва Испания уруш давом этаётган мамлакатга тинчликпарвар қучлар юборишни истамаслигини билдирди, дейилади хабарда.

Саммитдан олдин Буюк Британия бош вазири Кир Стармер унинг мамлакатни хавфсизлик қафолатларини таъминлаш учун Украинага қўшин юборишга тайёрлигини айтганди. Саммитдан сўнг Германия канцлери Олаф Шольц уруш ҳали ҳам давом этаётганини ҳисобга олиб, қўшинларни жойлаштириш ҳақидаги муҳокамани "мутлақо ўринсиз" деб баҳолаган.

Интернет маълумотлари асосида
М. ТўРАЕВ тайёрлади.





ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Миср пирамидаларининг бирида шундай ёзув бор экан:

“Одам истеъмол қиладиган овқатининг тўртдан бир қисми ҳисобига ўзи ҳаёт кечиради. Тўртдан уч қисми ҳисобига эса уни даволайдиган табиб кун кўради!”

Қадимда ҳам овқатланиш билан боғлиқ хасталиклар мавжуд бўлиб, бу ҳол бугунги давргача давом этаётгани аён. Лекин ҳақиқат шуки, ўтмишда одамлар мусаллоҳ ҳаводан нафас олишган, доимий равишда жисмоний ҳаракат қилишган, бу эса ўз-ўзидан овқат ҳазмини тезлаштирган. Мутахассислар бот-бот огоҳлантирмоқда, эндиликда камҳаракатлилик ва экологик аҳволнинг ёмонлиги, шунингдек, организм мослашмаган егуликлар хилма-хиллиги тобора ортаётгани туфайли кўпинча ейилган таомнинг (айниқса, меъёрдан ортқ истеъмол қилинганнинг) ҳазми оғир кечиб, турли касалликларга сабаб бўлади.

Ўзимизга парвариш зарур

Аслида, ғалати феълимиз бор. Ҳовлимиздаги дарахт ва гулларни меҳр билан парваришлаймиз, қуя тушмасин деб қийим-кечакларни авайлаб-асраймиз, қимматбаҳо буюмларга гард юктирмасликка ҳаракат қиламиз. Лекин ўзимизга қолганда... шунчалик эътибор ҳамда вақт ажратмаймиз. Ахир бизнинг ҳам вужудимиз ва руҳиятимиз парваришга муҳтож. Узоқ умр кечиришни орзу қиларканмиз, ўз соғлиғимиз ҳақида қайғурмай туриб бунга эришиб бўлмайди, шундай эмасми?

Қадимги табиблар меъдани тазалаб туриш ва тез-тез қон олдиришни узоқ яшаш омил деб ҳисоблашган экан. Кўплаб алломалар масаланнинг бошқа жиҳати эътиборни қаратишган. Масалан, Аҳмад Дониш: “Овқатланиш қондаларига амал қилган киши 120 йил яшайди”, дейди. Маҳатма Ганди эса 1000 хил касалликнинг 999 тасини тўғри овқатланиш орқали даволаш мумкинлигини айтди.

Тўғри овқатланиш, аслида, танамизга керакли куч-қувват ва зарур витаминларни етказиб берувчи таомларни танлашдан иборат. Нутрициология (овқатланиш ҳақидаги фан) мутахассисларнинг таъкидлашларича, вужуддаги соғлом ҳужайраларни зарарловчи эркин радикалларнинг ишга тушишига шароит яратиб берувчи асосий омил сифатсиз егуликлар билан овқатланиш экан.

Биз кўпинча дўконга кирсак, пештахтанинг энг юқорисидан жой олган ярқироқ идишлардаги егуликларга махлиё бўламиз, отган қиммат бўлса-да, харид қиламиз. Бундай қадокланган маҳсулотларнинг организм учун нафи камроқ. Танани тўла қувват билан таъминлаш учун ўз туپроғимизда етиштирилган сархил мева-сабзавотлардан тайёрланган озиқ-овқатларни кўпроқ истеъмол қилиш фойдали эканлиги маълум.

Истеъмол маданияти, аслида, саломатлигимиз учун хизмат қиладиган озиқ-овқатлар ҳақидаги билимга эга бўлишимиздир. Ана шундагина улардан оқилона фойдаланишимиз мумкин.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сифат жиҳатдан тўғри танлай олишимиз зарур. Маълумки, консервалланган, денатурланган, рафинированган, умуман, клетчаткаси (оziқ толалари) бўлмаган, минерал тузлари ва витаминлари кам егуликларни меъда яхши қабул қилмайди. Бизга четдан келтирилаётган кўплаб егуликлар қадокланган идишлардаги рақамли белгилар алоҳида мазмунга эга эканлигини шу соҳа мутахассислари аниқлашган. Уларнинг айтишларича, хорижнинг йирик озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи компаниялари ва филиаллари айнан битта маҳсулотнинг учта тоифасини сотувга чиқаради. Яъни, биринчиси ички бозорда сотиш учун сифатли, иккинчиси ривожланган давлатларга экспорт қилиш учун юқори сифатли ва учинчиси ривожланаётган давлатларга сотиш учун паст сифатли маҳсулотлар қилиб чиқарилиб, айнан охириги тоифадаги маҳсулот таркибиде инсон соғлиғига зарар етказувчи консервантлар (қўшилмалар) бор.

Нутрициологлар таъкидлашларига кўра, зарарли консервантлар “Е” ҳарфи ва уч хонали сон билан белгиланади. Уларни харид қилаётганда ҳарф ва рақамларига эътибор бериш муҳим. Масалан, Е-250 — қон босими бор бўлганда истеъмол қилиш мумкин эмас. Е-320 — таркибиде холестерин кўп. Е-340, Е-453 ҳарф ва рақамлари эса ейилган овқатнинг ичакларга сўрилишини сусайтиришини билдиради.

Шундай экан, егуликларни танлаш ва истеъмол қилишда ҳушёр ва сергак бўлишимиз зарур. Негаки, бу саломатлигимиз учун жуда муҳим.



Таомларга оид тадқиқотлар

(Олим билан шу мавзуда суҳбат)

Бугунги тезкор даврда ҳамма қаерга-дир шошади: ишга, ўқишга ёки бирор хизматга... Вақтни тежаш мақсадида йўл-йўлакай овқатланиш ҳоллари кўп учрайди. Бунинг учун деярли барча бекатлар ёнида фаст-фудлар билан савдо қилувчи шохобчалар мавжуд. Уларнинг борлиги, албатта, яхши, чунки бир зумда нимадир еб олиб, яна йўлда давом этиш мумкин. Кўча таомлари ҳисобланган гамбургерлар, сендвич, пицца, хотдог кабилар, айниқса, ёшлар орасида жуда оммалашиб кетгач, тиниб-тинчимас олимлар уларнинг саломатликка фойда-зарарини тарозига солиш мақсадида бир қанча тадқиқотлар ўтказишди. Суҳбатимиз чоғида **биология фанлари доктори, профессор Шониёз Қурбоновга** ўзимни қизиқтирган савол билан мурожаат этдик.

— **Соғлом овқатланишга оид кўплаб мақолалар муаллифи сифатида бундай тадқиқотлар натижасидан хабардор бўлсангиз керак-а?**

— Аслида, фаст-фуд маҳсулотларини истеъмол қилиш ёмон ҳолат эмас. Лекин ҳар нарсда меъёрни унутмаслик лозим. Буни қарангки, кўча таомларига ҳаддан ортқ ружۇ қўйиш ўсим ёшларда ринит (тумов) ва экземадан юзага келишига сабабчи бўлиши аниқланган. Чунки уларга қўшилган ҳар хил моддалар баъзан аллерген вазифасини ўтайди. Яна бир жиҳати, фаст-фуд таомларнинг кўпчилигига ширин қайла қўшилади, лаззатли таъм берувчи қўшилмалари борлиги туфайли фаст-фудларнинг энергетик қиймати уч маротаба кўпаяди. Доимий равишда истеъмол қилинганда, бу таомлар семизлиқни келтириб чиқариши мумкин.

Тадқиқотлар давомида маълум бўлишича, биргина картошка-фри тайёрлашда соф картошкадан ташқари яна 18 хил модда қўшилади. Буларнинг ҳар бири ошқозон-ичаклар фаолиятига сезиларли даражада таъсир қилади. Тўйинган ёғ кислоталари (асосан, маргарин) қўшиб тайёрланаётган фаст-фуд егуликлар, биринчидан, қийин ҳазм бўлади, иккинчидан эса, улардаги маргарин юқори ҳароратда зарарли транс-ёғларга айланиб, танадаги химоя функциясининг кучсизланишига олиб келади. Бундан ташқари, тайёрлаш жараёнида меъёрдан ортқ туз ишлатилиши оқибатида фаст-фудлар ор-

ганизмдаги сув миқдорини камайтириб, артериал қон босими кўтарилишига сабаб бўлади, ўз навбатида юрак ва қон томир касалликлари юзага келади.

— **Домла, яқинда илмий журналда ўқиб қолдим. Америкалик тиббиёт олимлари кунига икки стакан миқдорда газли сув ичадиган ўсимларнинг буйрағи жуда тез зарарланишини айтишди. Биз тез-тез ичи турадиган газли шарбатлар наҳотки шу даражада зиён келтирса?**

— Айтишим жоиз, фаст-фуд таомлар билан биргаликда истеъмол қилинадиган газли шарбатларни “Coca-Cola”, “Fanta”, “Pepsi” (сингариларни) доимо ичиш ошқозон-ичак ва ҳазм аъзолари, ҳатто асаб тизимига анчагина зарар етказиши. Эътибор қилинг, оддийгина “Coca-Cola” ичимлигининг бир стакан миқдоридасида 15 донра рафинадланган қанд ширинлигига тенг энергия бор бўлиб, у мунтазам ичилганда, организмда моддалар ва энергия алмашинуви издан чиқади. Шу боис газланган шарбатларни доимий равишда истеъмол қилишдан сакланиш керак. Кундалик овқатланиш давомида оддий тоза сув, кўк чой ва янги тайёрланган табиий шарбатлар ичиш анча фойдалироқ. Ёшларимиз шуни ҳам билишлари муҳимки, олиб берилган тадқиқотлардан сўнг Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти энергетик ичимликларни ҳаддан зиёд кўп ичиш саломатликка жиддий хавф солади, деган хулосага келди. Бўёк, таъм, тўқлиқ ҳиссини берувчи моддалар қўшилгани эътиборга олинса, бундай ичимликлар зарарли маҳсулотларнинг “қора рўйхати”дан жой олган.

— **Суҳбатларингизнинг бирида ёшларимизнинг турли пайтда йўл-йўлакай овқатланиб кетаверишлари оддий ҳолга айланиб қолаётгани ҳақида таъкидлашга гапирган эдингиз...**

— Билишимиз керакки, овқатланаётганда таом ҳазм бўлиши ва моддалар алмашинуви жараёналари бош мия орқали бошқарилади, ҳамма ички аъзолар миянинг “буйруғи” билан ишлайди. Юриб кетаётганда эса миянинг диққат-эътибори беҳатар ва адашмай қадам босишга қаратилган бўлади. Шу учун йўл бўлиб истеъмол қилинган овқатни ҳазм қилиш жараёнига бош мия “аралашуви” кечикади ва ейилган таомнинг фойдасидан кўра зарари ортади. Бундан ташқари, хотиржам ҳолда ва ўз вақтида овқатланмаслик ёки дўконлардаги тайёр қадокланган маҳсулотларни доимий истеъмол қилиш кўпинча камқонлиқни келтириб чиқариши

унга эга бўлиш учун тарбия оиладан бошланиши керак!

аниқланган. Камқонлиқ (анемия) оқибатида ўсимирнинг зехни пасаяди, ўқишга ҳафсаласиз ёндашади, кўпинча холи қурийдир. Гастрит (ошқозон-ичак деворлари яллиғланиши) пайдо бўлиши ҳам нотўғри овқатланиш оқибатидир. Шундай экан, тўғри овқатланишни йўлга қўйиш орқали ўз соғлиғингизни тиклашингиз мумкин. Асосан, уйда тайёрланган овқатларни истеъмол қилиш ва кўча таомларига ружۇ қўймаслик туфайли бунга эришса бўлади.

— **Чет элда яшаб келган бир кишини айтишчи, қайсидир йил унинг тоби қочиб қолибди. Уша ерлик дўхтирлар тиббий кўрикдан ўтказишгач: “Ичакларингизда дард бор, юрагингиз иши ҳам яхши эмас”, дейишди. Сўнг рецепт ёзиб беришди. Дорихонадан берилганларни уйига келиб очиб қараса, битта кутичадаги “юрак дориси” — ўн донра туршак, яна бирида “ичакларни даволовчи” ўн донра жийда бор экан! Домла, қаранг-а, хорижда жийдаю туршакларимиз дори ўрнида сотиларкан. Бизнинг бозорларда эса қоп-қоп жийдаю туршакларга деярли ҳаридор йўқ. Бу хусусда Сиз нима дейсиз?**

— Дўкондаги қадокланган сунъий ширинликлардан кўра ўзимизнинг жийда ва туршакларимиз, майиз ва анжирқоқлар, ҳатто мевалардан тайёрланган шинилар қувватлилик жиҳатдан кучли бўлиб, иммунитетни кўтаришга хизмат қилади. Нонжийда, қушжийда, чилонжийдалар камқонлиқда ҳам даво бўлишини ибн Сино айтиб кетган, бу мева ҳатто буй ўсишини тезлаштириш хусусиятига эга. Туршак жигарни ҳам даволайди, кексалликда кўп учрайдиган атеросклерознинг олдини олади. Анжир қоқиси сутда қайнатиб ичилса, ўпка яллиғланишини тузатади. Айни қиш-қўлдам ойларда турли мева қоқиларини қайнатиб, шакарсиз ичилса, улар витамин танқислигининг ўрнини тўлдирди. Шифоси беқиёс бундай мевақоқлар бозорларимизда кимёвий дорилар ҳамда сунъий витаминларга нисбатан анча арзон туради.

Ёғли овқат —

“дард”ли овқат

Бирор жойимиз безовта қилиб, шифокор қабулида бўлсак, у дори-дармонлар ёзиб бергач, кўпинча: “Қовурилган овқатларни чеклаб, димлаб пиширилганини истеъмол қилиб туринг”, дейди. Нега шундай? Чунки қаттиқ қовурилган таомларнинг ҳазми оғир бўлиб, юрак ва жигар ишини қийинлаштиради. Бундан ташқари, юқори ҳароратда қовуриб тайёрланган барча маҳсулотларда организм учун хавфли ҳисобланган акриламид моддаси кўп миқдорда бўлиб, у турли хасталиклар юзага келишига имкон яратади. Бунда димлаб пиширилган таом эса, аксинча, тез ҳазм қилинади, витаминлари ҳам тўла сақланади.

Соҳа мутахассисларидан бири соғлом овқатланишга оид мақоласида: “Қизартириб қовурилган картошка жуда мазали, лекин энг ёмони ундаги ёғнинг танага синигиб, канцероген (ёмон сифатли) мод-

даларни юзага келтиришидир”, деган эди.

Телеканалларимизда “Ошқона қиролари”, “Бугун нима овқат?”, “Олов панданда”, “Демак — емак” сингари анчагина курсатувлар мавжуд. Уларнинг кўпчилигида жийлашган ёғда бирор хил таом пишириб кўрсатилади.

Аслида, курсатувни минглаб кишилар томоша қилади, уй бекалари улардан ниларнидир ўрганади ҳам. Шундай экан, умрни узайтириб, саломатлиқни тикловчи “тирик” маҳсулот ҳисобланган шолғом, беҳи, қовоқ, қарам, турп, лавлаги, сабзи каби сервитамин сабзавотлардан таом ва салатлар тайёрлаш йўлга қўйилса... курсатув орқали кишиларимизга соғлом овқатланиш хусусидаги билимлар бериб берилган бўлур эди.

Кўпчилигимиз четдан келтирилаётган мева-сабзавотлардан харид қиламиз, озиқ-овқат дўконларида бундай маҳсулотлар қадокланган ҳолда ялтироқ сувқозларга солиб қўйилгани боис кўзимизга оловдай қўринади. Аслида эса ўзимизнинг она еримизда деҳқонлар меҳнати билан етиштирилган ва бозорлардаги қоп-қанорларда думалаб ётадиган сабзавотларнинг танамизга фойдалилик даражаси пештахта юқорисиде савлат тўкиб турган хорижий маҳсулотларникидан бир неча баравар ортироқ ва шу билан бирга арзон ҳамдир. Чунки ўзимизда етиштирилган маҳсулотларни неча асрларки, ажодларимиз ҳам истеъмол қилиб келишган, қолаверса, азалдан генларимиз уларга мослашган. Қувватлилик жиҳатдан ҳатто гўшт ўрнини босадиган нухат, ясимқ (чечевица), маржумак (гречиха), лавия ҳам шулар қаторидадир.

Қадимги кишилар овқатланиш чоғида бир-икки хил егуликлар билан кифояланишган. Эндиликда эса мўл-кўллик бисёр, қундалик дастурхонга камида беш-олти хил ноз-неъматлар тортилади. Зифатлар ёки тўйларда янада хилма-хиллиқни кўраемиз. Шундай бўлса-да, отабозларимизнинг овқатланиш тартиби тўғри эканлигини бугунги олимлар исботлашмоқда. Чунки бир вақтнинг ўзиде истеъмол қилинадиган турли таомлар таркиби ҳар хил бўлганлиги сабабли бир-бирининг ҳазм бўлишига ҳалақат берадиган. Бу эса ўз-ўзидан меъда ва жигар фаолиятини сусайтиради, ҳазм иши учун ортқиқча қон ҳайдагани боис юрак ҳам зўриқади. Шунингдек, оксилли таомларни (масалан сут, туҳум, гўштни) биргаликда ейиш турли касалликларни келтириб чиқариши мумкин экан. Ваҳоланки, бу кун болалар боғчалари ёки мактаб ошхоналарида бундай егуликлар бир вақтнинг ўзиде таом сифатида берилади.

Тиббиёт билимдони Букрот “Ейилган таом дори ўрнига ўтин” деган экан. Бунинг мазмунини шундайки, овқатланиш жараёнига фақат нафсини ором олдириш эмас, балки саломатлигимизни мустаҳкамловчи омил деб қарашимиз лозим. Истеъмол маданиятига амал қилсакгина биз узоқ йиллар дард кўрмасдан, соғомон яшашимиз мумкин бўлади.

Гўлчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



ПАМФЛЕТ

ЎРТАМИЁНА ОДАМЛАР



Ривоят қилишларича, ҳазрат Али бир кун ошдан қайтиб келаятган, йўлидан чиққан илонча отини ўрқитиб юборибди. Ҳазрат Али уни маҳв қилиш учун қиличчини қинидан чиқарган экан, илон бўйи баравар катталашибди. Ҳазрат қиличчини бир сермаган экан, илон аждаҳого айланиб, унга даф қилишга шайланибди.

Илоҳсиз қолган ҳазрат унга қараб чироийи кўзларини, ялтироқ тангаларини мактаб силаб сийпаган экан, аждаҳо қайтадан илонга айланиб, жилп-жилп бир тешикча кириб кетибди. Бу синоатдан ҳайратга тушган ҳазрат бироз юрган экан, яйдоқ жойга боғлаб қўйилган, эти устихонига ёпишган сиргирга дуч келибди. Унинг ёнида бедазор ўтлоқ, ўтлоқда эса дириллаган дуркун бузоқча қопиб юрганмиш. У беда гулларидан чимдиб-чимдиб еб тураркан-да, югургилаб келиб, сиргирни ҳам эмиб-эмиб кетаркан. Ҳазрат бу синоатнинг ҳам мағзини қақолмай йўлида давом этибди. Бир дарахтнинг ёнига етганида бироз дам олиш учун отини боғлаб, ўзи дарахт соясига чўзилибди. Шунда унинг кўзи дарахтда шохдан-шоҳга ўтиб, турли оҳангда бир-бир ёқимли сайраётган қизил, яшил, сарик рангли қушчаларга тушибди. Қушчалар сайраб-сайраб пастга учиб тушаркан-да, тезаклаган отнинг гўгини чўқиб-титиб еб, яна дарахтга кўтарилиб, сайрашни давом эттираркан. Ҳазрат Али ошдан қайтган, йўлда кўрганларини устозига сўзлаб берибди.

— Йўлимда дуч келган илоннинг хатти-ҳаракати аёлларга хос, — дебди устоз. — Аёл кишини қанча аврасанг, мақтовга олсанг, шунча мулоим тортади, жоҳиллик қилсанг, жаҳолат кўпади, бошинга бало ёғилади. Яйдоқда боғлоглиқ тур-

ган сиргир раиятга монанд, бузоқ эса нафсига эрк берган тамагир мулозимлар. Улар давлатни ҳам алдайди, халқни ҳам талайди. Дарахт шоҳида ёқимли сайраётган турли рангдаги қушчалар эса тили бошқа-ю, дили бошқа одамларнинг бир тоифаси. Бундай одамлар жамиятда ҳар соҳада пешқадам бўлишга интилади, муайян мавқега эришади. Уларда уят-андиша бўлмайди, жамиятда ўз манфаатига мос келадиган муҳит яратади ва атрофига ўзига ўхшаган ҳаммаслақларни йиғади. Улар ўзидан юқори мартабадагиларнинг товодини ялайди, паст мартабадагиларни товоно остига олади. Лекин ҳамма билан бирдай ширин сўрашади, ҳазил қилади, ҳатто латифанамо гапларни ҳам кистириб қўяди. Дунёқарашини ўзига тўғри келмайдиган киши билан ҳам ўлишиб қўришади, кўнглини олади, кейин орқаваротдан уни даҳрий деб эълон қилиб юборади.

Юқоридаги ривоятда келтирилган уч ҳолатдаги жоҳиллик, тамагирлик ва иккиозламачилик ана шундай одамлар тийнатида мужассас бўлади ва юзиде зоҳир бўлади. Улар фаришта қиёфасига иблис сийратини яширган ўртамиёна кишилар бўлсалар-да, ўзлари ҳақларида юксак фикрга эга бўладилар ва бу фикрга қўшилмаган кишиларни жамиятдан сиқиб чиқаришга интиладилар. Лекин одам тарозисидан кўра адолатлироқ ва холисроқ ўлчам борки, бу илоҳий ўлчамдир. У гуноҳ-савобларнинг ажрини чиқаради ва инсоннинг гарданига ташлайди. Шунга қараб одамнинг турки, шакли шаймоили фаришта ёки шайтон қиёфасига кира боради ва уни ҳеч бир меъмор ёки мусаввир ўзгартиролмайдилар.

Ҳикматли китобларда ёзилишича, пайғамбарлардан Мусо алайҳиссаломга тўққизта муъ-

жиза берилган бўлиб, унинг қўлидаги асо истаган пайтда аждаҳого айланар экан. Қўлини қўлтиғига тикиб чиқарса, кўзини қамаштириб, одамнинг ақлини шоширар, Нил дарёсини амри билан оқизиб-тўхтатармиш.

Бу пайғамбарнинг иродаси билан тўфон қўтарилиб, еру қўрни тутармиш, учар ва пиеда чигиртилар истаган жойни маҳв қилиб, истаган жойини ғорат қилармиш. Истаган одамларини очликка дучор қилиб, уларга бит, қурбақа ва қон болаларини юборармиш. Шунинг учун арабларда “Лақулли Фиръавн Мусо”, яъни ҳар бир фиръавнга бир Мусо деган нақл бор.

Ўртамиёна кишилар жамиятда мусавийлик даражасини даъво қиладилар ва ўзидан қучлироқ ҳар битта заковат соҳиби уларнинг кўзига фиръавн бўлиб қўринадилар. Бундай одам ўзидан қучиларни маҳв қилиш учун барча усул ва найранларни, қабихликларни ишга солади, атрофдагиларни ва жамиятни унга қарши қўяди, шунинг учун унинг қиёфасида шайтоний аломат зоҳир бўлиб боради ва алапокибат у шайтонга айланади. Ўртамиёна одам ҳамма жойда ҳозир нозир, ҳамма тадбирларга эғалик қилишга интилади, ҳамма уни танийди, лекин унинг қимлигини юзига айтишдан андиша қиладилар. Чунки сузис ҳам уни Худо уриб қўйган, юзидан файз қочган, кўнглида яхшилик, дилида иймон йўқ. Лекин бунинг ўзи тан олгиси, Раҳмонга ён бергиси келмайди, тавбага келмай, тўғиз қавмида рихлатга равона бўлади.

Тадқиқотларга кўра, одамзод бир кунда ўн минг марта нафас оларкан. Яхши эзу амаллар билан олинган нафас мусбат, ёмонликка йўғрилган ҳаво манфий бўлиб одам ичига қираркан. Ҳужайра ва тўқималар тўйинганидан кейин қолган ортқиқча манфий ҳаво одамни ичидан емириб бораркан. Эзгуликка йўғрилган нафас инсонни юксакликка олиб чиқади, руҳни озод қилади, уни улўғ ишларга ундайди. Ўртамиёна одамлар эса бундай бахтдан бебаҳра бўлиб, шунинг учун ҳам улар ўртамиёна одамлардир.

Содиқ ДҮСТ

МУТОЛАА

БҲЖҲР МОЖ

ёки шоира Гуландом ТОҒАЕВАнинг “Ишқ ҳандасаси” китоби тақдимотидан кейинги ўйлар

Истеъдодли шоира Гуландом Тоғаеванинг “Ишқ ҳандасаси” китобини муталаа қилиб, хаёлим олисларга кетди.

1989 йил. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетининг биринчи курсида ўқиймиз. Ўқувчилигидаёқ “Тонг юлдузи”, “Ғунча”, “Гулхан” каби адабий нашрларда туркум шеърлари эълон қилинган Гуландом Тоғаева курсимизда энг машҳур талаба эди. Гуландом Тоғаева ва Юлдуз Мухторова (таниқли адиб Омон Мухторнинг қизи) ҳақидаги ҳужжатли фильм Москванинг “ОРТ” ва юртимиздаги “Ўзбекистон” телеканаллари орқали намойиш этилгандан сўнг пойтахт ва вилоят марказларидаги кинотеатрларда ҳам кўрсатилган, нафақат адабий жамоатчилик, бутун афқор омма орасида ҳам шоира номи тез-тез тилга олинар эди.

Хуллас, талаба бўлганимизга бир қувонган бўлсак, яқин таниш-билишларга “Гуландом Тоғаева биз билан ўқийди...” дея икки бор қувонганмиз.

Бўлажак журналистларнинг иккинчи уйи бўлган “Талабалар шахарчаси”даги 85-ётоқхона. Журналистика ва адабиёт баҳси. Ҳаёт бегубор ва бегидир кўринган паллалар. Ҳақиқатпараст талабаларнинг тонгтар гурунглари. Қадрдон ошнам Зокир Худойшукур билан ётоқхонага борсак, албатта, Гуландомни излардик. Эғнида беқасам чопон, бошида зар рўмон, ўзига хос табассум билан кутиб оладиган эгачимиз Тошкентда қолиб ижод қилиш ҳақида гап бошлаганида биз нодонлар бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмаган эдик. Ҳаёт бегубор тортинмасдан шеърлар ўқир, деворга суяб қўйилган қашқар рубобини олиб аста созларди-да, Шерали Жўраевнинг “Қарашларга” ёки “Ўйнаб-ўйнаб...” қўшиғини берилиб айтарди.

Намозшомул атлас қўйлаги ярашган, билагида онаси Норхол опа берган “Заря” соат, бир ўрим қол-қора сочи белига тушган Гуландомнинг соддаликлари курсдош йигитлар даврасида то ҳануз эсланади.

Гуландом Тоғаева шеърларини ўқиган шеърхон муқсиди билан, қиз этган ижодкор билан юзма-юз турганини сезади.

Ҳақиқий шеър ойда қолган из каби қалбда мангу яшайди.

Шоиранинг изтироби сатрлари — унинг таржимаи ҳоли. Гуландомни бундан ўттиз йил бурун матбуот орқали бадном этмоқчи ҳам бўлишганди. Вахшиворнинг бужур тошидай метин иродали қиз ҳақоратга чиroyли сабр қилди. Гуландом сукут билан зарба берди, аммо кўр ҳасад Аллоҳдан бошқа ҳимоячиси бўлмаган қиз қалбини яралаган эди. Шоиранинг ўнланмишга кўп ийиллар керак бўлди.

Назаримда, Гуландом Тоғаева шеърятини икки босқичга бўлиб ўрганиш керак. Биринчи босқичга шоиранинг ўқувчилик ва талабалигининг илк йилларида ёзган асарларини киритиш лозим. Гуландом Тоғаева ижодининг дастлабки даврида анчайин битилган, шўро даври руҳига мос, китобий сатрлар ҳам учрайди. Тоза, бегубор мурғак қалб жамиятдаги сиёсий-мафкуравий чакриқ ва даъватларга инонади-да. “Тинчлик” сўзини баралла айтаётганлар уруш оловини ёқшини қаёқданад билсин!

Иккинчи босқич, бу — ўтган асрнинг 90-йиллари бошидан бугунги кунга қадар бўлган давр. Назаримизда Гуландом Тоғаева ижодининг услубий ва лексик жиҳатдан ранг-баранглашуви ҳам айнан шу давр билан боғлиқ. Тошкент адабий муҳити шоира ижодида кескин бурилиш ясади. Бу, назаримда, шоиранинг ўзликни англаш, инсон қалбини кашф этишда чин маънода камолот босқичи бўлиш билан бир қаторда, мумтоз адабиётни ўрганиш, ижодга танқидий қараш даври ҳам бўлди.

Гуландом Тоғаева — руҳият шоираси. Қалбда шеър исёни бошланган ўн беш яшар қизнинг иқрорини қаранг:

Тунлар тунд уйкумини ўғирлайди шеър,
Айшорис шомларни унча сўймайман.
Ўтданмас, заёқданбир юракдаги кўр,
Шоир юлдузларга боқиб тўймайман.

“Теграмда тирик руҳ — хаёллар фақат” деб ёзган шоиранинг руҳий сарбаландлигини, камровини тасаввур этиш қийин эмас. Одам қачон хаёлини тирик руҳ деб билади? Ожиз банда кўзга кўринмас кучлар кўз илганган дунё билан бақамти эканини ҳис эта бошлаган чоғда бу олам ҳам руҳлар олами эканини англайди.

Гуландомнинг ўқувчилик пайти битган шеърларидаги тоза туйғулар одамни севинтиради. “Пок момомга бориб айтинг...” шеърини бир ўқинг.

Баҳор севинч ёлларимга
Кўйлагини ювмоқда.
Кўз ўнгиниизга ёўзал манзара келди-а?
Шеърнинг якуни қуйидагича:
Шеърим, сени азиз тутай,
Дардларимнинг бонеси бўл.
Мени ярат, қонлар ютай,
Юрагимнинг тоғи бўл!..

Айиқсой бўйида аҳд қилган шоира “Шеърият кўксига буюк ёнгин бор, Адолат шамсидек ёқлайсан уни” дейди.

Гуландом самимияти билан танилган шоира. *Кўк ва орзум айлашиб висол, Кенг борлиқда сайрлашади. Қорлар олиб кўлга даструймон Қирлар билан ҳайрлашади.* Ёки:

Қораламам бўлиб чарчиллоқ, тоза,
Ғурангиз қизартсин шеърый саратон, — деган сатрларни олинг.
Ёхуд қуйидаги тўртлик — ўсмир қалбнинг ҳайқиринига қулоқ тутинг:

Тонгчи юлдуз, найингизни тиндирманг,
Сиз йўқдирсиз, ҳузурли оёй қайдадир?
Сочларимнинг толасини синдирманг,
Осмон синса юлдузга жой қайдадир?!

“Ўфқнинг тандириди ҳижронлар куйди”, — дея бўзлаган қалбга инонмай бўладими?

Гуландом она қишлоқ — виқорли тоғлар манзаралари, дилбар ҳаёт васфи, порлоқ болалик, байрамда лойхуштак улашган қулол, Сангардак тоғида ўйнаган қийик, Хонхиза тоғи мадҳига бағишланган шеърлар орасида қолиб кетмади. Вахшивор Гуландом ижодида жуғрофий макон эмас, орзу, хаёл, ўқинча ва армон тиссоли бўлиб кўринади. Унинг мактаб даврида битган шеърларидаёқ жунун уфуриб туради. “Милт-милт ёнаётган, эй, ғамгин олов...” шеърдаи сескантирувчи сатрлар кўп.

Эй, чирмаш, чирмаш-ей танимга олов,
Қошимга алангане ўсмасини сурт.
Мени йўқотсалар чўгли уфқ-ўров,
Бахтлар шеързорида толуб олсин юрт...

Тубандаги шеърни ўн олти яшар қиз битганига ишончи қийин:

Тирналган чўққилар музини тишлаб,
Ғамдан ғалибр танин тутиб қуюнга,
Зангори қалъанинг гиштиндан ушлаб,
Юлдуз, етгум келур сенинг уйингга!

Тийиксиз завқ-шавқ, шиддат, ҳайрат меваси бўлган бундай шеърлар кўп Гуландомда.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида ижтимоий-маърифий муҳит жуда ранг-баранг бўлиб, эсперанто тарғиботи, қатагон қурбонлари номидан ёдномалар битиш, янги сиёсий партия ва ҳаракатларга қизиқиш қандай кучайган бўлса, диний тафриқаларга даъват ҳам шунчалик кенг тарқалган эди. Фарз ва суннатни фарқламаганлар сўфий бўлишга ҳавасманд эди. Социалистик реализм методидан бошқа методни тан олмаган “адабиётшунос”лар бармоқ, сарбастда ижод қилаётган замондош шоирлар ижодидан тасаввуф излашга бел боғлади. Ўша йилларда Гуландом Тоғаева “Ҳижронга масаллиқ” эмиш шўр, талх, об...”, “Тахайроннинг қафтида...”, “Фариддин Аттор китобиға сўзбоши” каби бир қанча шеър битди. Аммо аксар ижодкорлар қатори Гуландом ҳам ҳавас ҳақиқат йўлида собитқадам ҳамдам бўлолмаслигини, чўнг диний илмсиз буюк мақсадга етишиш душворлигини дилдан англади.

Гуландом Тоғаева ижодида 2005 йилдан кейин руҳоний эҳтиёж, эзгин, шикоят оҳанглари кучайгани сезилади. Жумладан, “Дард” шеърини шунчаки ўқиб бўлмайди.

Мен муҳтомадан кимгадир буеун,
Севилмаган юрагим оғир.



Тақдир хатин кўтаролмасдан
Елкаларим доп бўлиб оғир.

Ёлғизлик азоби, етишмаган муҳаббат изтироби, дилга таскин, умид муждалари акс этган шеърлар кўплаб учрайди. Шеър шоиранинг ҳақиқий ҳамдамига айланиб қолганини сезиш қийин эмас.

Бир юлдузман, ой ёнида юрмаган,
Ошиқдирман, кўнаил иши унмаган,
Асли гулу бойчечагин кўрмаган,
Баҳордирман, ўйун кузга бермаган.

Ҳақиқий ижодкор — кашшоф. Чин шеър — бир кашфиёт, аслида. Чин шоир қалбини кашф этиш орқали одамлар кўнглига йўл топади. Аслида, мана шу йўл — шеърят. Бу фараҳбахш йўлда адашмаган, қоқилмаган, пешонаси қонамаган шоир шоирми? Бу йўлнинг Маккаси — кўнгил. Бир инсон кўнглида қолмоқ, бир шикаста кўнглига чироқ бўлмоқ машаққатини ёлғиз Аллоҳ билур.

“Бахтнинг тўғрайлари ҳамиша тоқдир”, дея битган шоира тақдирга ишора этдимикан? Талабаликда ёзган “Видо” шеърдаги “Ва бахтли бўлмайман мен ҳам ҳеч қачон” сатрини ўқиб ҳайрон қолдим. “Яхши ният — ёрти мол”, деган гап бор халқда. “Халқ фақат ҳақиқатдан иборат бўлса, Мен ҳам шоир бўлдимми?” дея ўзига савол беради шоира.

Мингта найга нола бўлди муҳаббатим,
Лекин қадрим бир қамишча бўлолмади, — деб ёзган шоиранинг аҳвол-руҳиясини тасаввур этиш қийин эмас.

Гуландомнинг бундан йигирма йил бурун битилган “Мен онамни алиштирдим шаҳарларга...” деб бошланадиган шеърини ўқиб йиллаган қиз-жувонларни кўрганмиз.

Мен онамни алиштирдим шаҳарларга,
Бир бойчечак келтирмадим баҳорларда.
Мен қиз бўлиб қўйлагини бир ювмадим,
Лек қолдирдим уни ҳижрон — заҳарларда.

Шеър ижтимоий тармоқларга қўйилганида “Гуландом бу шеърни бизнинг кўйимиздан ёзган”, “Бизда ҳам шу дард, шу армон”, “Гуландом, она ҳақидаги шеърингиз ҳар бир қалбнинг мадҳиясидир”, “Гуландом, бу шеър эмас, дил қатидаги яради”, деган фикрлар билдирилди.

Гуландомнинг кўпчилик севиб тақдорлайдиган шундай бир сатрлари бор:

Худо менга ойдай кўнглини берди,
Энди беркитмоққа этак ҳам берсин!
Худо менга Мунғайди синглини берди —
Пойиша сочмоқча чечак ҳам берсин!

Юрагида ўти бор шоиранинг “Ишқ ҳандасаси” китобида янгича мазмун-моҳият касб этган мақол ва маталлар кўп. Шунингдек, кўпчилиكنинг кўзи ва қулоғи ўрганмаган “чумдук”, “дардхўр”, “оғриқзор”, “ҳаловатхўр”, “қўхивор”, “севгизор”, “шеързор” каби янги сўзлар бор. Инчунун, “Кўзинг қувшланар, кўзинг ойланар” сатридаги “қувшланар”, “ойланар” — тоза ифода.

Китобни варақлаган ўқувчи кўнглидан “Шоирамиз 2009 йилдан кейин деярли ижод қилмай қўйди. Эсиз...” дея ўқинч ўтиши мумкин. 2020-2021 йилларда битилган “Шаробингман”, “Изҳор” каби ўтти нидоларни истаиди.


Ижодга маълум вақт “танаффус” эълон қилган шоирамиздан янги асарлар кутиб қоламиз.

Ва асло шубҳа йўқки, шоиранинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида яқинда тақдими бўлиб ўтган янги китоби — “Ишқ ҳандаси” унинг бетакор ижодкор эканини яна бир бора намойиш этгандек бўлди. Гуландом Тоғаева шеърятга ўзига хос шеърят. Қалбларга етиб борадиган, синглик кетадиган шеърят. Шоиранинг ижодиға омадлар тилажакмиз.

Олим ТОШБОВЕВ,
филология фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ДИЛДАГИ ГАП

XXI аср китобхонлари ҳам муталаа завқидан бебаҳра эмас, албатта. Кутубхонада, кўчада, автобус-метрода, хиббонларда китоб ўқигётган инсонларни кўриб ҳавасим ортади. Интернет шу қадар ривожланган замонда ҳам китоб ўз ўрнини йўқотмаётганига ичимдан қувонаман. Лекин бу “асарлар”нинг кўпи фақатгина “цитата” учун ёзилган китоблардек. Одамлар бу китобларнинг номи ва муқоваси жимжимдорлиги ва интернетга ушбу китоб расм билан фото жойлаш учун сотиб олаётгандек гўё...



ТАРЖИМА САНЪАТИ:

ЎЗБЕК КИТОБХОНИ ҚАНДАЙ АСАРЛАРНИ КУТМОҚДА?

Мен ҳам бир замонлар ҳавас билан “Базиллар описдан севарлар”ни ўқигандим. Лекин ундан қандай маънавий озуқа олганимни ҳалигача билмайман. Тўғри, қайсидир маънода бу китоблар ҳам инсон онгига илқилқик, яъни нафис ўхшатишлар орқали ҳисларига таъсир этиши мумкин-дир. Лекин бу адабиётнинг асл кўринишининг юздан бирини ҳам ифода этишга арзимайди-ку. Бу каби китоблар савдоси ривожланишида, албатта, маркетингнинг ўрни жуда катта. Инсонни сотиб олишга мажбур қилувчи рекламалар орқали китоб дўконлар пештахталари шундай китоблар билан тўлиб кетган. Хусусий нашриётлар ҳам фақатгина пул учун қайта-қайта мағзи пуч асарларни таржима қилишмоқда.

Савияли таржималар ҳам йўқ эмас, албатта. Мисол учун, биргина Озод Шарафиддинов таржималари орқали ўзбек китобхонлари жаҳон адабиётининг машҳур асарларидан ҳалигача баҳраманд бўлишмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Озод Шарафиддиновнинг биринчи таржималари 1955 йилда қилинган. 1955 йилдан то 2005 йилгача адабиётшунос 150 га яқин асарни таржима қилган экан. 1955 йилдан то 1998 йилгача — 35 та, 1998-2005 йилгача — 120 га яқин асар таржима қилинган. Аниқроқ айтсак, охириги 7 йил ичида у 120 га яқин асарни ўзбек тилига ўлгирган. Бу рақам Гиннеснинг рекордлар китобиға кирадиган ҳодиса десак, муволаға бўлмайди. Табиийки, шунча асарни қисқа вақт ичида таржима қилиш осон иш эмас. Яна бу асарлар шунчаки “Мен севаман, сен севасанмуу” қабилидаги асарлар эмас, балки жаҳонга машҳур романлар, қиссалар, ҳикоялар, саргузашт-фантастик асарлар, эсселар, адабий-танқидий мақолалар, фалсафий изланишлар, шу билан бирга, машҳур адиблар, файласуфлар, давлат арбобларининг маърузалари, китоблари, ҳикматли сўзлар, турли халқларнинг латифалари ҳам бор. Киносценарийлар таржимаси эса олим ижодида апоҳида бир мавзу...

Устоз Озод Шарафиддинов таржима учун асар танлашда ҳам ҳолис, талабчан ва ниҳоятда мустақил бўлганлар. Масалан, Аҳмад Аббоснинг “Ҳиндистон фарзанди”, Э.Казакевичнинг “Кўк дафтар”, В.Катаевнинг “Девордаги кичкина темир эшик”, “Ичакузар хангомалар”, А.Рибаконинг “Арбат болалари”, Генлиннинг “Сталин ва Булгаков”, Л.Толстойнинг “Иккоронома”си, Эфраним Савеланинг “Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан”, Афлотун, В.Белинский, Н.Добролюбов, Ларошфуко, Ж.Ж.Руссо, О.Уайлд, Хосе Ортега, З.Фрейд, Франсуаза Саган, Ҳерман Вамбери ҳикматли сўзлари, иборалари, “Шахмат хангомалари”, В.Биков, П.Коело, Ж.Голсуорси, Кобо Абе, Ҳерман Ҳессе, Н.В.Гогол, З.Безежинский, Ю.Борген, В.Войнович, А.Моруа кабиларнинг турли асарлари ва бошқалар.

Албатта, гап рўйхатда ҳам эмас, таржимонлик маҳоратида. Олимнинг тилимизга илк таржима қилган асари В.Белинскийнинг “Танқид ҳақида нутқ” (1955)

эди. Ўша даврда, олим энди адабиётга кириб келаётган даврда, Белинскийнинг танқид ҳақидаги мулоҳазалари, ноёб гаплари унга жуда яқин бўлган. Шу туйғайли Белинскийнинг асарини ўзбек танқидчилигига олиб киришга аҳд қилган. У қайта қуриш пайтида машҳур “Арбат болалари”ни (1988) ўзбек тилига таржима қилди. Бу асарда қайта қуриш даврида биринчилардан бўлиб Сталин шахсига сиғиш муаммоси кўтарилган эди. Озод Шарафиддинов машҳур рус ёзувчиси Н.Гоголнинг “Ал-Маъмун” (“Жаҳон адабиёти”, 2003, 2-сон) эссесини ҳам она тилимизга ўлгирган. Мазкур эссе 1834 йилда Санкт-Петербург университетидида маъруза ҳолида ўқилган экан ва маърузани тинглаш учун В.Жуковскай ва А.С.Пушкинлар ҳам тақлиф қилинган.

Озод Шарафиддинов учун таржима, худди Чўлпон каби, ўзбек халқини бошқа халқларга яқинлаштирувчи муҳим восита бўлган. Таржима тўғрайли ўзбек халқининг бошқа халқлар орттирган маданий мерос билан бойитган.

“Арбат болалари”, “Иккоронома”, Игор Бунчининг “Партия оптинлари”, “Алким-ёғар”, “Бешинчи тоғ”, “Дориан Грейнинг портрети”, Э.Савеланинг “Тўхтатинг самолётни, тушиб қоламан”, “Шахмат хангомалари”, Герберт Р.Лотманнинг “Ротшилдлар — банкир қироллари”, Збигнев Бзежинскийнинг “Буюк шахмат тахтаси”, В.Войновичнинг “Монументал таригот” каби таржималар ўзбекларнинг маданий ҳаётида катта воқеа бўлган.

Фикримизнинг исботини бекорга биргина Озод Шарафиддинов таржима фаолияти билан келтирмадик. Бир таржимон ўз фаолияти давомида адабиётимизга, таваққулимизга олтинга тенг бойликларни олиб келди. У яратган таржима асарлари орқали машҳур ёзувчилар билан асарлари орқали суҳбатлашиш имконини яратди.

Бугунги кунда ҳам турли лойиҳалар доирасида машҳур асарлар таржима қилинмоқда. Мисол учун, “Ёшлар учун минг китоб” лойиҳаси доирасида 2024 йилда бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди. Дастлабки босқичда 50 та илмий-оммабоп китоб ўзбек тилига таржима қилинган. Бу жараёнда иқтисодиёт, сиёсатшунослик, табиий фанлар, экология ва сунъий интеллект каби соҳаларда 30 дан ортиқ эксперт-мутахассис, 40 дан зиёд таржимон, 30 га яқин муҳаррир, шунингдек, мусаҳҳиш ва дизайнлар иштирок этиди. 2025 йилда ушбу лойиҳа доирасида нафақат илмий-оммабоп, балки бадий асарлар ва боалар китобларини ҳам таржима қилиш кўзда тутилган.

Лекин нафақат ташкилотлар, балки ҳар бир таржимон вазифасига сидқиқилдан ёндашиб, келажагимиз учун дунё адабиётининг энг сара, дурдона асарлари таржима қилинишини истардик. Чунки адабиёт энди қадам қўяётган ёшлар унинг моҳиятини енгил-елпи асарлар билан танишмасин. Маънавиятни, маърифатни адабиётдан, китоблардан олсин!

Диллора ДҶСМАТОВА

ОРЗУЛАР ҚАНОТИ



Юз-юзлаб ёш хонандалар “Артист” лойиҳасида қатнашиш учун ёзилишарди. Яхёбек бунни кузатарди, қизиқарди. “Шунча одам бўлса, менга йўл бўлсин!” дерди. Аммо вужудида бир тўлқин, ҳаяжон гупурарди. Ва ниҳоят, устози, таниқли санъаткор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хуршид Расуловдан дуо олди, йўл-йўриқ, маслаҳатлар олишдан чарчамади.

КУЙЛА, ЯХЁБЕК!

“Артист” пиллаоялари... Яхёбек Ғаниев ушбу лойиҳада халқимизга танилган санъаткорларнинг қўшиқлари билан чиқди: “Ёшлигимга қайтгим келади”, “Ота”, “Она”, “Опа, мени йўқлаб келинг!”, “Хафа бўламан”, “Безовта бўлар онам”... Шу тарика Яхёбек финалга чиқди. У бу танлов ҳақида мароқ билан сўзлаб берди:

— “Артист” лойиҳаси элга танитди. Халққа танилдик, дўстлар орттирдик. Ишонинг, “Артист” лойиҳасида “100 талик”дан ўтдим. Онамга телефон қилдим, у киши дуо қилиб табриқлади-лар. “50 талик”ка кирдим, онам саҳнага келиб ўтирдилар, томоша қилдилар, қўшигимни эшитдилар. Минг афсус, шундан сўнг онам ўтиб қолдилар. Ярим финалда “Безовта бўлар онам”ни йилглаб-йилглаб айтдим:

Мендан узоқ кет, қайгу,
Яқинлашма энди, ғам,
Енелсам ҳасратларга,
Безовта бўлар онам.
Андухларга кўмилиб,
Кўз ёшимга чўмилиб,
Қолсам тутдек тўқилиб,
Безовта бўлар онам.

Ҳатто руҳи парвонам,
Ором йўқ гирёнам,
Йилгасам, тушимга кириб,
Безовта бўлар онам.

Яхёбек “Артист” лойиҳасининг финалида ўзи куй басталаган “Синглим” қўшиғи билан саҳнага чиқди:

Менга зарра тикон кирса куйинганим,
Шод кунимда мендан зиёд суюнганим,
Мунисиниам, беозорим, Ҳақ берганим,
Номинг айтсам,
ёришади кўнглим менине,
Сен онамдай меҳрибоним
синглим менине!

Гоҳи дунё ташвишига елиб-елиб,
Ярим дилине кетганида дарёда тўлиб,
Ойда бир бор ўқлолганим ака бўлиб,
Соғинчлардан мунчоқ
кўзи мунглим менине,
Онамдайин меҳрибоним

2024 йилги “Артист” лойиҳасида финалчи-ларнинг учаласи ҳам голиб деб эълон қилинди.

Яхёбек Ғаниев ўн тўққиз ёшида Тошкентда “Трекер” русумли автомобил билан қишлоғи Қўргонтепага келди, ютуқни отасига совға қилди.

Йил бошида “Меҳмонда Назарбеков” кўрсатувида Яхёбек Ғаниев устоз санъаткорнинг “Хафа бўламан” қўшиғини қуйлади.
Шунча кўтдим, бир келмасанг,
Хафа бўламан, хафа бўламан.
Бир жилмайиб, бир кулмасанг,
Хафа бўламан, хафа бўламан...
Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ўз қўшиғини шоғирдидан эшитиб хурсанд бўлди. Мана, унинг фикрлари:

“Яхёбек ўзининг рангида ўзи бемалоп айт-япти, қийналмай айтаяпти. Қўшиқларимни бемалоп айтиб юравергин...”

Яхёбек, халқнинг меҳри сен учун энг катта мукофот. Таниқли бўлиш мумкин-дир, аммо севимли бўлиш ундан ҳам юқори мукофот”.

— Хуршид Расулов устозим бўлади, — деди Яхёбек Ғаниев. — Деярли ҳар бир қўшиғини қуйлаганман. Устозим билан кўп марта биргалишиб қўшиқлар айтганман:

Умр асли беш кунлик сафо,
Гоҳи сафо, гоҳида жафо.
Ташлаб кетган ўша беафо,
Ёшлигимга қайтгим келади...

— Бир куни ишдан келсам, ўғлим Яхёбек йиллаб ўтирибди, — деб эслади ёш қўшиқчининг дадаси Равшанбек. — Қўшни Хонқиз қишлоғидаги тўйга Хуршид Расулов келган экан, уни ҳеч ким тўйга олиб бормабди. Қарасам, соат тўққиздан ўятпти. Таваккал, тўйга отландик. Яхши ҳамки, тўй тугамабди. Яхёбек тўртта қўшиқ айтди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хуршид Расулов уни жажжи шоғирдим деб мактади...

Ҳа, Фарғона туманида истеъдоди билан элга танилган, юртини танитган инсонлар кўп: Ло-чин полвон, Аҳад полвон, Турсун Али полвон. Усмон Юсупов, Ҳамроқул Турсунқулов, Тожихон Шодиева. Шайх Абдуллазиз Мансур ҳазратлари, Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов, Миллий телевидениемизнинг машҳур суҳандони Уктам Жобиров, бокс бўйича Олимпиада чемпионларидан бири Лазизбек Муллажонов каби халқимизга танилган бундай инсонлар ҳам шу туман фарзандларидир.

Яхёбек Ғаниев ҳам Фарғона туманидаги Қўргонтепа қишлоғидан. Кўпчилик Қўргонтепа қайда, қанақа жой, деб сўрашади. Қўргонтепа — истеъдодлари бор гўзал қишлоқ.

Орзуларинг қанотида қуйлайвер, Яхёбек!

Собиржон ДАДАХЎЖАЕВ


ТАЛҚИН

Олам ва одам. Бу икки атама оҳангдош бўлса ҳам, маънодош эмас. Чунки, олам — абадий, одам — муваққат: шундай десак-да, Аллоҳ сийлаган даҳолар борки, номларини мангуликка муҳрлаб кетадилар. Шарқдан балқиниб Бобур Мирзо, кунботар фарзанди Наполеон Бонапарт ана шундай камёб буюклардан иккиси эдилар. Кимлардир ҳайрату ҳавас, яна кимлардир ғийбату ҳасад кўзи билан боқмасин, ҳар иккисининг ўтда куймас, сувда чўкмас сиймоси ҳақида қат-қат китоблар битилмоқда. Улардан энг янгиси ва энг оҳорлиси Рустамжон Умматов қаламига мансуб “Бобуршоҳ ва Наполеон” номли тарихий-қийсий эсседир (Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2024 йил, 464 бет).

Асарнинг журнал варианты эълон қилингандаёқ (“Жаҳон адабиёти”, 2019 йил, февраль-март сонлари), унга кўпчилиكنинг эътибору эътирофи тушган ва ёзувчининг ушбу тухфаси ўзгача ҳислатларга бўлигидан нишона берганди. Китоёб ҳолида ўқиш насиб этгани эса муҳлислар учун айни муддао бўлди. Шон-шўҳрати жаҳон бўйлаган Бобуршоҳ бобомизга яна бир жаҳонгир Наполеон Бонапарт қиёс этилмоқда. Ўхшаш икки қисмат гоҳ ҳикоятлар, гоҳ ривоятлар, гоҳ беинкор ҳақиқатлар, гоҳ мунозара тарзида таққосланган. Ундаги воқеалар зичлиги ва қатор-қатор манбалар қайдлангани ҳам, ҳатто сана-рақамларга тез-тез мурожаат этилгани ҳам ўқирмани зериқтириб қўймайди. Сабаби, услуб равон ва батамом ўзгача. Воқеалар гоҳ Шарққа, гоҳ Фарбга етаклайди, қутилмаган яқун, оригинал фикр, янгича талқин бериладики, тонг қоласиз.


Қарангки, Бобур ва Наполеоннинг киндик қони томган Фарғона билан Корсика битта жуғрофий чизиқда — 40-42,5-шиқмолий кенгликлар орасида жойлашган экан. Бобуршоҳ — Самарқанди, Бонапарт — Парижни уч мартадан фатҳ этибдилар, иккови ҳам оиладаги 8 фарзанднинг бири — муштарак ҳолларни кўринг! Бундайн муқоясалар саноғи “Бобуршоҳ ва Наполеон”да юздан ошадикки, барчаси муаллифинг топилидиги ва кашфиёти, албатта. Кашшоф адиб барини занжирнинг узилмас ҳалқаларидай ғоят усталик билан бир-бирига боғлаб юборган.

“Ҳиндистон подшоҳи Бобур — ҳинд эмас, французлар императори Наполеон — фран-



“БОБУРШОҲ ВА НАПОЛЕОН”

МУТЛАҚО ЯНГИЧА МУҚОЯСА



цуз эмас. Бобурнинг миллати мўғул ё ҳинд бўлма-маса-да, Ҳиндистонда (“буюк мўғуллар императори”) подшоҳ, Наполеон эса француз бўлмагани ҳолда “французлар императори” эди. Бобур Ҳиндистон бойлиқларини Фарғонага, Наполеон эса Франция хазинасини Корсикага ташигани йўқ”. Ваҳоланки, тожу тахт соҳиблари қаерни эгалласа, ўша жойнинг бутун бойлиқларини талон-тороғ қилишгани, халқнинг бор-будини тортиб олишгани тарихдан аён-ку! — Наҳотки, шундай? — деган ҳайрат кечади кўнгилдан. Ҳар икки шахсни қайта кашф эта-мизки, эски тасаввурлар бари бир зумда пар-чалананади. Шарку Фарбнинг икки даҳосига хай-рихоҳлигимиз ортади.

Мутулаани давом эттирамиз: “Иккала император деярли тенгсиз ўшди: Бобуршоҳ (47) ва Наполеон (46) тож-тахтдан воз кечиб, ўрнига ўғлини қўймоқчи эди. Бобур бу қарорга кўнели ихтиёри ила, Наполеон эса мажбурликдан бармоқ босди. Қонуниятни кўриниши, ота-буваси ҳукмдор ўтган Бобур Мирзо бу ниятига эришди, ажодларидан бирортаси юрт сўрмаган Наполеон Бонапартнинг эса мурофи ҳосил бўлгани йўқ. Ва яна ажабки, подшоҳзода Бобур авлодлари Ҳиндистон тахтида асрлаб даври даворон суришди, Наполеоннинг бирор зурриётига ўзидан кейин ҳукмдорлик буюрмади”.

Халқ донишмандлигига яна бир бор ик-рор бўламыз. Ахир: “Қазисан, қартасан, асли зотинга тортасан” деган мақолни кўп эшит-ганимиз-да. Худди шу ҳаётий ҳақиқатнинг та-рихий тасдиғи эмасми бу даҳолар қисмати?

Қолаверса, миллий тафаккурнинг умуминсо-ний қонуниятларга ҳамоҳанг эканини кўринг! Адиб ўқувчини мақолнинг айнан ўзидан эмас, моҳиятидан сабоқлантиради. Қисмат атал-миш пешона битигидан ҳеч ким қочиб қутула олмаслигини ҳам ургўлайди. Энг муҳими, сиз билан бизни ёзганларига ишонттира олади. Зоҳиран ўта мушкул ижодий ният осонгина уддалангандай туюлса-да, камёб маълумот-лар, қайду изоҳлар уч юздан зиёқ китобдан чексиз меҳнат-машаққат билан излаб топи-ган. Муаллиф уларни мушоҳада чигириғи-дан ўтказа-ўтказа, саралаб-саралаб, ўрни-ўрнида ҳавола эта билибди. Кези келганда, таъкидлаш жоизки, “Бобуршоҳ ва Наполеон” Рустамжон Умматовнинг салкам икки йиллик изланишлари мевасидир.

Тарихий-қийсий эсседа битилганидек: “Бо-бур арқони давлати, оиласи, яқинлари давра-сида хотиржам овғини узатди. Бироқ Наполеон Атлантиканинг жанубидаги олисдан-олис Аё Елена оролида танҳолик ва ғариблиқда дунё-дан кўз юмди. Бунда ҳам қонуният бор: тож-тахт Бобурнинг отамерос ҳақи эдики, томи-рида буюк Темурнинг қони оқарди. Наполеон эса насаб хижатидан салтанатга бегона ва ҳеч бир сарой унинг хати маҳрига битилган эмас. Бобурнинг ноёб кўлэмалари Парижга бориб қолган, Наполеоннинг хос мебеллари эса Са-марқандда. Асрлар ўтмоқдаки, ҳар икки улўф саркарданинг хоки туроби эъзода...” Р.Умма-товнинг навбатдаги муқоясаси кўнглимиздаги азалий фахру ғурурни янада кучайтиради. Аммо ноёб кўлэмалар қайқанда-ю, хос мебел-

лар қайқад! Мебелнинг нусхасини ясаб олса бўлади. Аммо бобуруна битикларни ким, қа-чон, қаерда қайтадан ярата олади?..

Менимча, тарихий-қийсий эссе янги за-монда янгича услубда битилган комил асар ма-қомага етибди. Турфа воқеалар, тақдирий таф-силотлар, тахлилий мулоҳазаларнинг барчаси таъсирчан ифодага эга. Адиб маҳоратининг юқорилиги кичик сарлавҳаларга катта маъно юк-лашда ҳам сезилади. Ҳар бир бобнинг ост-сарлавҳаси безакдай ярашганки, бу ўқувчини ўзига жалб этади. Воқеадан-воқеага ўтган са-йин у ҳикоялаш йўсинини ўзгартириб боради, алалоқибат, китобхонда мутулаа иштиёқини кучайтираверади десак, асло муболағаси йўқ. Сарлавҳаларнинг “Падаркуш валиахдлар, жу-вонмарг шахзодалар”, “Аёл макрининг бир уч-қуни — сиёсатда зўр ёнгин”, “Замонлари бўлак — зафарлари муштарак”, “Тож кийган дипло-матлар ва сотқин вазирлар”, “Ҳазратларга ҳас-рат бўлган олмослар”, “Туркиёғи тилшунос под-шоҳ ёҳуд Наполеон ила Шампольон” дея ном-лангани бежиз эмас-да.

Фаҳмлаш қийин эмаски, икки буюк ҳукмдор-нинг кўп хижатдан ўхшаш тақдири-ю, қисман фарқли қисмат қиссаси Рустамжон Умматов-нинг далилларни солиштириш маҳоратига ва ижодий қувватига жиддий имтиҳон бўлибди. Бугун комил ишонч билан айта оламизки, у айни синов жараёнида ўзининг чакана қа-ламкаш эмаслигини исботлаб қўйган, албатта.

“Бобуршоҳ ва Наполеон” қомусий асар (эн-циклопедия) деб айтишга арзирли янги тари-хий-бадий яратикдир. Юзлаб китобдан, мат-

буот ва интернет материалларидан зукколик билан фойдаланилгани ҳам таҳсинга лойиқ.

Янги Ўзбекистонда романга тенг эссе пайдо бўлди. Унинг ёзилиши асло тасодифий эмас. Истиқлол шарофати эркин сўзининг эркин пар-возига кенг йўл очиб қўйгани учунгина яра-тилди.

Наманганлик адиб ва таржимон Рус-тамжон Умматов ўттиздан ортқ насрий, наз-мий, тарихий, публицистик китоблар муал-лифи, пойтахтда ўндан зиёқ йирик таржима-лари (ҳаммаси роман) чоп этилган. У бу галги армуғинида одам миллатидан қатъи назар, Ер қуррасининг қаерида яшамасин, омаддан бенасиба қолмайди, буюклиги омадида эмас, омади буюклигида, бунинг учун бир ўзи юз-лаб, минглаб одамлар бажара оладиган ҳам жисмоний, ҳам ақлий куч-қудрат соҳиби бў-моғи шарт! — деган муҳим фалсафани ёкла-моқда. Ва ниҳоят, муаллиф ижод майдонида шиқоат ва шиддат билан от сурган: одам ҳам олам сингари боқийлик бекатида муқим тура олишини икки буюк шахс тимсолида қийсий жонлантира олганки, бу қайси жасоратдан кам?..

Атоқли адиб Нурали Қобул “Бобуршоҳ ва Наполеон”га масъул муҳаррир бўлиб, “Тарихга тик ва холис ёндашув” сарлавҳали сўзбоши ёз-ган. Асарга нисбатан самимий эътироф ва юк-сак баҳо акс этган қуйидаги жумлаларни Ну-рали Қобул бежиз битган эмас-да:

“Бобуршоҳ ва Наполеон” китобининг ду-нёга келиши маънавий ҳаётимиздаги ёр-қин воқеадир. Асар буюк Бобурийлар сал-танати тарихини ва бу беназир сиймони буюклар билан солиштириб тахлил этишда мутлақо янги саҳифа очади. Тажрибаларга кўра, битта тарихий-бадий роман ёзган адиб тарих фанлари доктори бўлиш учун ҳаракат қилаётган олимдан ўн баробар кўп манба ва китоб ўқир экан. Рустамжоннинг бу заҳматли ва фавқулодда муҳим маълу-мотларга бой битигига ҳам ана шундай кўз билан қарадим ва дўстимизга дейманки: — Муборак бўлсин!”

Атоқли адининг бу эътирофидан сўнг ушбу асарни ҳар бир юртдошимиз, албатта, ўқиши керак деган фикр янада қатъийлашади.

Солиқ САЙҲУН,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси.

ИНСОН МАНЗАРАЛАРИ

НИМА ЭКСАНГ,
ШУНИ ЎРАСАН



Бу воқеа “Ҳидоят” журналида ишлаб юрганимда бўлганди.

Бир аёл кетма-кет телефон қилиб, мат-буотда босилаётган мақолаларимни ўқиб боршини, учрашиб суҳбатлашиш нияти борлигини айтиб, қачон вақтим бўли-шини сўради. Ўшанда мен бу учрашувга шошилмадим: бир сафар ишимиз жуда кўпчилигини, яна бошқа гал қаергадир бо-ришим кераклигини, соғлиғимни... сабаб қилиб, учрашувни орқага сурдим. Ни-ҳоят, у аёл бир кун тахририятга келади-ган, мен кутадиган бўлдим. Тўғриси, бу келишув ёдимдан ҳам чиқмаётган экан.

Бир пайт иккинчи қаватда жойлашган ишхонамизнинг юзига ёпиқ турган эшиги оҳиста тикиллади.

“Келинг”, дедим. Лекин эшик очилавер-мади. “Келаверинг, — дедим овозимни ба-ландроқ кўтариб. — Эшик очик-ку, кир-вермайсизми?!” Шарпа эшитилди, ўқиётган нарсамдан кўз узиб бошимни кўтардим. Ру-парамда озгин, юзлари оппоқ, эллиқ ёшлар-даги аёл турарди. Кўз кўзга тушиши билан у ёш боладек қувониб кетганини кўрдим-у, беихтиёр ўрнимдан турдим. Бу фурсат ичида меҳмоним олдинга қараб бир-икки қадам босди... бир овғини судрагандай қий-налиб... Ичимдан зил кетдим: “Зиналардан қандай чиқди экан?”

Аммо аёл Чилонзордаги уйдан қанақа саргузаштлар билан келиб олди, катта кўча-дан тахририятимизгача бўлган тош йўлдан қандай ўтди — бу ҳақда оғиз ҳам очмади. У суҳбатлашишга охиқлиқ турарди. Ҳатто бир вақтлар чиққан мақолаларимдан парчалар айтиб, изоҳлади... Шезьриятга ҳам қизиқи-шини гапларидан аңгладим. Шундан кейин ҳам у бир-икки келди, орада мен бошқа жойга ишга ўтиб кетдим. Дарвоқе, бир кунги йўлим Чилонзорга тушиб, унинг уйини то-пиб бордим. Биринчи қаватда яшааркан. Қиш эди, хонадон заҳ, совуқ... Аммо суяк ка-саллигидан дард чекаётган бу аёл шу уйи, ўғли, келини, икки набираси борлигидан ва айни вақтда менинг меҳмон бўлиб келга-нимдан беҳад хурсанд эди.

— Ҳозир келишим чиқадилар, — деди у ён томондаги ёпиқ эшикка ишора қилиб. Аммо набиралар кириб чиқиб туришди-ю, келин кўринмади. — Буларнинг ойиси оз-гина орғиб қолди-да, — деди меҳмон гўё ме-

нинг ёмон фикрга бормаслигининг олдини олиб. — Шунинг учун касал ҳолида чиқол-мади, шекилли...

Орадан сал фурсат ўтди. Ишхонамиз қабулхонасидан кўнгирак қилиб, мени бир одам йўқлаб келганини айтишди. Чиқсам, тувақда чаман бўлиб очилиб турган гул кў-тарган йигит турибди. У дарров ўзини та-ништирди, чилонзорлик ўша аёлнинг ўғли экан:

— Ойим сизни йўқлай олмаётганлари-дан хижолат бўлдилар. Менга “Қўриб кел-гин”, дедилар. Ўзингиз яхшимисиз? — йигит гулни менга узатди. Ўша лаҳзаларда... атрофда, асосан, оқ ва қора ранглар ҳукмрон бўлган қиш кунида сувқоғоз остида янаям чиройли кўринаётган шокила-шокила гулларни мактаб, гуллар учун миннатдорчилик билдириб, йигитдан ойисининг аҳволу ҳолини сўраган эсам-да... мени ўзига қадрдон деб билган ўша нафис райҳондай аёлни йўқламаганимга анча бўл-гани учун пушаймон едим, ўзимни қойимдм десам... Буюм Тўғри эмас. Чунки ўша воқеа-дан кейин ҳам оқибатни ёлчитганим йўқ...

Шунга ўхшаш яна бир воқеа: тахри-риятда таниқли ижодкорлардан бирининг фарзанди билан жамоадеш бўлиб қолдик. Ўшандаям иккинчи қаватда ишлардик. Бир кунги тушликка яқин қутрилмаганда ёшлик-дан даврандош бўлган, йиллар ўтгани сайин ҳамма йиғинларга ҳам боварвермайдиган бў-либ қолган шoirа дугуномиз келиб қолди. У ёшлигиде даврахтдан йиқилиб, бир овғи ке-сиб ташланган, протез (ёғоч) оёқда юрарди. Иккинчи қаватга ҳам кўтарилиб бўлганда, унинг келганидан хабардор бўлдик.

— Менга жуда кўп яхшиликлар қилган устозимнинг фарзанди шу ерда ишлашини билиб, кўргани келдим, — деди у. — Қачон-дан буён ўйлаيمان, ўйлаيمان, ҳеч фурсат қилолмайман...

Меҳмоннинг гапидан жамоат транспор-тида, сўнгра бу ерга келгунча ярим кило-метрча пиёда йўл босгани маълум бўлди. Бунинг устига... у кўтариб келган халта-сининг ичидан чиройли идишчалар, таом олди:

— Бозорга киролмадим-да. Йўл-йўлкайи сизларга, арзимасаям, совға... бирга туш-лик қиламиз деб...

Миннатдорчиликлар, гангир-гунгур суҳ-

бат... Меҳмон марҳум устозни кўп эслади, дуолар қилди. Ҳаммасиям бир бўлди-ю...

Меҳмонимизни кетар чоғида тақси чақи-риб кузатишни ҳаёлимизгаям келтирмаб-миз, қолаверса, унинг бу ерга келишига сабабчи бўлган ҳамкасбимиз — таниқли ёзувчининг фарзанди шахсий машинасида юрарди. У ўзига ва отасига шунча ҳурмату эҳтиром кўрсатаётган катта ёшли аёлни ма-шинасида кузатиб қўйишига шубҳа қилма-гандик. Лекин унақа бўлмади. Ҳаммамиз бирга пастга тушдик, ташқарига кузатиб чиқдик. Меҳмон юзида кулги билан хайр-лашди... У анчадан буён ўйлаб юрган ре-жасининг амалга ошганидан хурсанд, гарчи оёқларини оғир-оғир кўтариб қадамлаётган эса-да, учиб бораётгандай эди. Биз ҳамма-миз орқасидан қараб қолавердик...

Юқорида эслаганим воқеалар кейинги пайтларда нимага тез-тез ёдимга тушади-ган бўлиб қолди? Тўғриси, яхши ният би-лан бошлаган бир ишмидан кутганларим бошқа-ю, натижа тамоман тескариси бўлиб чиққанда, нима учун биз соппа-соғларни кў-риш, хурсанд қилиш учун келган ўша ҳам-шира, мурувватли-оқибатли аёллар ҳаёлим-дан кетмай қолди?

Шунақа, шунақамиз-да! Саломимизга қимдир билибми, билмайми алик олмаса... Озгина яхшилигимиз, ҳурматимиз, қимгадир йўл кўрсатганимиз ёки маслаҳат бергани-миз тездагина “гуллаб ҳосил тугмаса, мева бермаса”, хафа бўладиганлар, оғринади-ганлар, дарров шунга лойиқ жавоб билан алам олишга шошиладиганлар тоифаси-данмиз. Ҳолбуки, халқ айтиб қўйибди: “Ях-шилиқ қил, сувга сол — балиқ билади”. Ба-лиқ билмаса, Холиқ билади”. Ҳа, яхшили-гимизиям, лоқайдлу оқибатсизлигимизиям кўриб, билгувчи Холиқ уларга жавобни қаер-дан, қимларни сабаб қилиб қайтаради — Ўзи билгувчи.

Бир ғариб кўнгилни шод этмоқ Каъба-туллоҳни қайта тикламоқнинг савобиға тенг бўларкан. Во-оҳ... ғарибу имкониятлари чекланган кўнгил оёбиду бир кўнгилни йўқ-лаши, шод этишининг савоби қандок бўлар-кин! Ва... бундай мурувват, олижанобликка лоқайдлик, менсимасликка муносиб жавоб муқаррарлиғи янглик эмас, эскириб йўқо-либ ҳам кетмас экан...

Муҳтарам УЛУҒОВА

МУШОҲАДА



БОЛА БЎЛМАГАНМИЗМИ?

Устозларимдан бири-нинг: “Ҳар ким ўз йўлини ўзи белгиллайди, ўзи танла-ган йўлдан юради”, деган гапи ёдимдан чиқмайди. Журналистика касбини тан-лаганимча кўп ўйлаганман, ота-онам: “Ўқитувчи бўлга-нинг маъқул”, дейишганида, “Йўқ, мендан ўқитувчи чи-қмаса керак”, деб тақлифла-рини рад этганман. Энди бўлса...

Журналистикада ўқишим давом этмоқда. Бу соҳанинг сирли дунёси қизиқувчан та-лабаларни ўзига жалб қилади. Устозлар ёрдамида қўлимга қалам олиб, мақолалар ёза бошладим. Касб ташлашда адашмаганимга ишончим ко-мил бўлиб бормоқда. Шу би-лан бирга, журналистика маълум маънода педагогика

билан яқинлигини сеза бош-ладим. Негаки, матбуот одам-ларни воқеа-ҳодисалардан ха-бардор қилиши билан уларни тарбиялар ҳам экан. Ёзги таътил пайти вақтимни бекор ўтказмай, хусусий мак-таблардан бирига вақтинча бўлса ҳам ишга кирдим. Бола-лар билан ишлашга жуда тез киришиб кетаман, деб сира ўй-лаган эмасман. Қутилмаган ҳол деса ҳам бўлади. Бу ерда иш-лар эканман, ҳар кунги ўзим учун жуда муҳим билимга эга бўла бошладим. Болалар дунёсига шу қадар қизиқиб кетдимки, бу дунёни бола кўзи билан кўра бошладим. Нақадар соф, беғу-бор дунё. Катталар учун ибрат бўладиган самимият олами.

Ўйланиб қоламан: ҳам-мамиз ҳам бола бўлганмиз, шу беғуборлиқни бошдан ке-чирганмиз. Аммо... нега энди

катта бўлгач, болаликдаги са-мимиятдан узоқлашамиз, бир-биримизни тушунмай, тани-май қоламиз, бир-биримизга ишончимиз сусяайи? Бошча-даги пайтларимиз бир дона конфетни бўлиб еганмиз, ўйинчоқларимизни бир-бири-миздан қизганмаганмиз, катта бўлгач, устоз Абдуллага Орипов ёзгандек, нега энди шу ёрғ дунёни ҳам бир-биримиздан қизганамиз?..

Ҳар иш куним шу савол-ларга жавоб қидиришдан бош-ланади. Жавоб йўқ. Нега шун-дайлиги жумбоқлигича қолади. Болаларнинг кўзига қарайман. Улар ҳали бу саволлардан бе-хабар, бир-бирларига меҳри-бон, ахил-иноқ. Қани энди, бу гўзал ҳолат бир умр давом этса...

Юлдуз НУРМОНОВА,
ЎЗМУ талабаси.